


Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

## САХОВАТЛИ ОДАМЛАР БОР БЎЛСИН...



А. МАВЛОНОВ туширган сурат

“Савоб ишни ҳар кун қилиш керак, ҳар ким қилиши керак”...

И.КАРИМОВ

Ҳаётда ҳар бир инсон нимагадир интилиб, орзу-умидларини рўёбга чиқариш учун яшайди. Кимлардир ўзидан яхши из қолдиради, савоб-талаб, саховатпеша бўлади. Сайфутдин ота ана шундайлардан биридир.

Отанинг ҳузурига ташриф буюрганимда уйда ҳеч ким йўқ экан. Ажабландим. Ноқулай бўлса-да ўзларидан сўрадим. Ота бир зум ҳаёлга чўмди. Сўнгра “Елғизман кизим. Турмуш ўртоғимни ерга куйганимга ҳам беш йил бўлди. Қизларим ўзлари билан ўзлари овора.”- дея уф тортиб кўйди. Бошидан кечирган воқеаларни сўзлаб берди.

Сайфутдин ота етимликда вояга етган. Тиниб-тинчиманган, меҳнаткаш

ийгит бўлган. Унинг ёшлиги урушнинг суронли йилларига тўғри келган.

Уруш тугаганига ҳам анча йил бўлди. Аммо унинг қолдирган жароҳатлари ҳали-ҳануз ҳеч кимнинг ёдидан кўтарилмайдди. Сайфутдин ота бирга жанг қилган сафдошларини кўп эслайди. Ана шу хотиралар унга тинчлик бермади. Шаҳид бўлганлар руҳини шод қилиш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида музей очмоқчи бўлди. 1987 йил маҳалла қўмитаси котиби Нигмат ака Риксиев, маҳалла қўмитаси раиси Турғун Бекмухамедов, маданият уйи директори Мирзатилла Мирзараимовлар розилигини олиб иш бошлади. 1995 йил Яққасарой тумани ҳокими Алишер Мирқосимов музейни С.Йулдошев номига расмийлаштириб берди. Сайфутдин отанинг асосий мақсади уруш

вақтида фронт ортида завод-фабрикаларда “Хамма нарса фронт учун!” шиори остида меҳнат қилганлар, душман устидан галаба қозониш учун жанг қилиб жасорат кўрсатганлар номларини абадийлаштиришдир. Ниҳоят отанинг уринишлари беҳуда кетмади. Тошкентнинг А.Авлоний номли маҳалласида “Хотира ва қадрлаш” музейини ташкил этди. Музейга қадам ранжида қилар эканман хоналар дид билан жиҳозланганлигининг гувоҳи бўлдим. Музейда ҳар хил экспонатлар, уруш вақтидаги плакатлар, жанггоҳдаги суратлар, олтига хотира китоби мавжуд. Хотира китобида 1941-45 йиллардаги урушда ҳалок бўлган ва бедарак йўқолган жангчилар тўғрисида маълумотлар бор. Тўпланган тарихий ҳужжатлар, тошкентлик фронтчилар ҳақида ҳикоя қилади. Музейдаги эс-

далиқлар китобидан жуда кўп инсонларнинг дил сўзлари ўрин олган. Жумладан, Яққасарой туман ҳокими Алишер Мирқосимов, Республика “Нуроний” жамғармаси вакиллари Э.Боқибоев, Э.Хайитбоев, 73-135-мактаб ўқувчилари, 73-мактабнинг маърифат ва маънавият ишлари бўйича директор ўринбосари М.Нурматова, тарих ўқитувчилари Д.Матқаримов, О.Кўбаевлар ҳам музейдан олган таъсуротларини ёзиб қолдиришган.

Маънавий пок инсонгина ўзидан яхши ном қолдирсам дейди. Сайфутдин ота ана шундай олийжаноб, олийҳиммат инсон эканлигига амин бўлдим.

Хонбиби ҲИММАТ  
кизи

### ЎЗБЕКИСТОН:

#### ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР ЎЗБЕКИСТОНДА

● Тошкентдаги муҳташам “Юнусобод” спорт мажмуи кортларида беш кун давомида дунёнинг 26 та давлатидан келган 80 га яқин катта ракетка усталари иштирокида теннис бўйича “Президент Кубоги” Халқаро турнири кизгин ўтди. “Президент Кубоги” турнири мамлакатимизда олтинчи бор ўтказилди. Бу турнир фақатгина кучли спортчилар беллашуви бўлибгина қолмай, балки юртдошларимиз учун ўзига хос спорт байрами сифатида ҳам аҳамиятли ва эътиборлидир. Турнирнинг финал урашувида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов иштирок этди. “Президент Кубоги” халқаро турнирининг тантанали ёпилиши маросимида давлатимиз раҳбари нутқ сўзлади. Президентимиз турнирда қатнашган барча катта теннис

усталари Е.Кафельников, Г.Руседски, К.Кучера, Д.Вацек ва бошқаларга ташаккур изҳор этди, ўзбекистонлик Олег Огородниковнинг жуфтлик баҳсидаги галабасини алоҳида қайд қилиб ўтди. Ислам Каримов “Президент Кубоги” халқаро теннис турнирининг голиби германиялик Николас Киферга бош савринини топширди. Шунингдек давлатимиз раҳбари финал иштирокчиси швейцариялик Жорж Бастляга турнирнинг махсус савринини топширди.

● Республикаимиз пахта далаларида мўл-кўл пахта ҳосили етиштирилди. Республика Вазирлар Маҳкамасининг “1999 йил пахта ҳосилини йиғиштириб олишни уюшқоқлик билан ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида йиғим-теримини қисқа муддатларда ва нобудгарчиликларсиз ниҳосига етказишга киришилди.

● Шу йил 1 июлдан Европа Иттифоқи билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисида тузилган битим кучга кирди. 13 сентябрда Брюсселда ҳамкорлик кенгашининг биринчи мажлиси бўлди. Унда битимнинг асосий мақсадларидан бири Ўзбекистоннинг мустақиллиги ва истик-

лолини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда демократик ташкилотларни ривожлантириш ва мустақамлаш йўли билан Марказий Осиё минтақасида барқарорликни мустақамлашга қўмаклашишдан иборат эканлиги таъкидланди.

● Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолар кенгаши Ўзбекистон мусулмонларига Мурожаатнома йўллади. Унда ислом дини ота-боболаримизнинг муқаддас дини эканлиги, у одамларнинг қалбини поклаши ҳар бир кунга, ҳаётга ишончни кучайтириши, маънавий қудрат эканлиги, умуминсоний қадриятларни сақлаш ва авлодларга етказишда, аҳамияти беқиёс эканлиги таъкидланади. Мурожаатномада пок динимизни ғаразли мақсадлар йўлида фойдаланувчилар қораланади.

● Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига бағишлаб “Ватанимга таъзим” деб номланган бадийи кеча ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармон билан мустақиллик байрами арафасида бир гуруҳ ижодкор ва санъаткорлар Ватанимизнинг юксак мукофотлари, фахрий унвонларига сазовор бўлган эдилар. Кеча иштирокчилари Ўзбеки-

стон Республикаси Президенти Ислам Каримовга миннатдорлик мактуби йўллади.

● Тошкентда Буюк Ипак Йўлини қайта тиклаш бўйича халқаро конференция бошланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Буюк Ипак Йўлини қайта тиклаш бўйича Халқаро конференция қатнашчиларига табрик йўллади.

● Ўзбекистон Хотин қизлар-қўмитаси Республика мустақиллигининг 8 йиллиги ва аёллар йилига бағишлаб “Истиклол ва аёл” мавзусида анжуман ўтказди. Унда Республикаимизнинг фаол аёллари, барча вилоятлар хотин-қизлар қўмиталарининг раислари иштирок эттиди.

Анжуманда Ўзбекистон Бош вазири ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилбар Фуломова нутқ сўзлади. Вилоятлар Хотин-қизлар қўмиталари раислари жойларда аёллар - оналар ўртасида турли йўналишда олиб борилаётган ишлари ҳақида гапирдилар.

Республика санъат усталари ижросида концерт намоиши этилди.

## ЎВУЗЛИК АЛБАТТА ЧЕКИНАДИ...

Донолар бу дунёни "тўрт кунлик" ёки "икки эшик ораси" деб сифатлайдилар. Келиш, яшаш ва кетиш... Келмоқ ва кетмоқ ҳар бир инсон учун муқаррар бир ҳодиса. Лекин яшаш маъно-мазмунини ҳар бир одам ўз феъл-атвори, юриш-туриши, хислат-фазили, меҳнати, кашфиёти билан ўзи яратди... Оламдаги жаммики жонзод табиғатга яраша, яшаш учун қулай шарт-шароит излайди. Яратган Эгам ҳар бир жонзоднинг туғилиши, яшashi учун имкон ва ҳамма қулайликлар муҳайё этган. Бу эҳсон, бу мурувват учун Яратганга ҳадсиз ҳамду санолар бўлсин... Энг олий мавжудот саналмиш - инсонга эса бахту-саодатни ҳис этиб яшамок ҳузур ҳаловати ҳам бахш этилган. Ватанда яшамок, Ватанни бу дунёнинг жаннатига айлантирмоқ, унинг саодатли келажаги йўлида тер тўкиб меҳнат қилмоқ, орау-ҳаваслар қанотида учмоқ фақат инсонга хос хислату-фазилат, фақат инсоннинг ўз хунаридир...

Шу сабаб ҳам ўзини инсон деб ҳис этган ҳар бир одам учун Ватан тушунчаси муқаддасдир.

Бир тўда ёвуз кимсаларнинг Қирғизистоннинг Боткент тумани қишлоқларига ўрнашиб олиши, унда юз бераётган машвум воқеалар, ҳар бир ўтаётган кунига шукр қилиб, яшаб, тинч бунёдкорона меҳнат билан машғул бўлган халқимиз кўнглига гашлик солмоқда. Чунки улар бизнинг Ватанимиз осойишталиги, юртимиз мустақиллигига, оиламиз фаровонлигига таҳдид солмоқдалар. Президентимиз раҳбарлигида танлаган йўлимизга таҳдид солмоқдалар, халқ иродаси, ишончи, эътиқодига дарз етказмоқчи бўлмоқдалар.

Эслайсизми, азиз юртдош, 16 феврал воқеалари муносабати билан Президентимиз шундай бир ҳаққоний сўзни айтгандилар: "Халқ иродасига қарши бориб бўладими, халқ билан курашиб бўладими... Йўқ, ганимларимиз нотўғри ўйлабдилар. Халқни енгиб бўлмайди"...

Шу ўринда улўғ шоиримиз Чўлпоннинг "Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир", - деган мисраси ёдга келади.

Инсониятнинг кўҳна тарихи саҳифаларига назар ташлаб фикр юритсангиз шунга амин бўласизки, ёруғлик ва қоронғилик, яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги курашда ҳаммиша адолат эзгулик-ёруғлик томонида бўлган.

Дунё дунё бўлиб яралибдики, Яратган ҳаммиша халқни қўлаган, халққа шафоат нурларини бахш этган. Бундан сўнғ ҳам шундай бўлғусидир, иншоолло...

Шундай экан, азиз Ватан мустақиллиги, тараққиёти, фаровонлиги йўлидаги курашимиз, орау-интилишларимиз энг тўғри, энг ҳақ йўл эканлигини ёддан чиқармаслигимиз зарур. Ҳар биримиз ўз оиламиз, маҳалламиз, ўз шахру қишлоғимизда соғлом, бунёдкорона, осойишта муҳитни барқарор этишга саъй-ҳаракат қилайлик. Зотан яхши ниятлар, яхши гуфтору, яхши аъмолларни, ўзига йўлдош қилиб олган инсонларнинг бахту, толеи ёруғ бўлғусидир.

Дилбар САИДОВА

## КўНГЛИМГА ҚАДАЛДИ СИЗ ОТГАН ЎҚЛАР...

**Рўмолининг ташла ёвлар йўлига, Пулга сотмасинлар номус, виждонни, Хиёнат қилмасин ҳеч ким элига.**

Яқин-узюқдаги содир бўлаётган хунрезликлар, кўпоровчиликлар ҳар бир онанинг кўнглини ларзага солади. Онанинг, Ватаннинг миллати бўлмайди. Онанинг-Ватаннинг меҳрини, таърифини энг етук сўз устаси ҳам жойига етказиб таърифини келтира олмайди. Ҳеч қайси она мен туғиб, воёга етказган фарзандим жаллод бўлсин демайди. Гўдақларни ўлдирсин, уйларни бузсин, шахарларни вайронага айлантирсин демайди. Жигаргўшасининг қонга беланган бошини кўксига босган онанинг

Ватанда туғилиб, Ватанни сотиб юрган ватандошларимизни ҳам биламиз. Уларнинг яъни, ватанфурушларнинг "давру-даврони" жуда тез тугайди. Охири Ватаннинг, халқнинг қарғиши тутати.

Қақшаётган она, ўлаётган гўдақ, Нохос кўлларидан айрилган ота. Сўнги нафасингда не эди тилақ, Армон шу: кўрмайсан Ватанни қайта.

Тутаётган уйлар, тутаётган йўллар, Бирдан култепага айланган макон, Кўғирчоқ ушлаган танасиз кўллар, Эганин тополмай туфласи сарсон.

Қақшаётган кампир, онасиз гўдақ, Туғиб боласига тўймаган она. Ҳаммасида бўлган бир орау истак, Наҳот номард қилса зумда тантана.

Қон тутар дейдилар, хун тутар дерлар, Оллоҳнинг ҳақридан нега кўрқмайсиз? Сизни авраётган илонлар ахир, Илоннинг захридан нега кўрқмайсиз?

Мард майдонга чиқар, виждон, куч бўлса, Пана-паналарда кесақ отмайди. Кимки халқ, Ватанга хиёнат қилса, Қарғишга қолади яра битмайди.

Кўнглимга қадалди сиз отган ўқлар, Йиқилган уйларнинг тағдида қолдим, Тушларимда киргум, сиз билан жангга, Беватан номардлар, худого солдим...

Кўргани кўзи йўқ, кўрар худойим, Ургани кўли йўқ, урар худойим. Худого солдим...

Бибисора ТУРОБОВА

### ШУ КУННИНГ СЎЗИ

қарғишларини ҳар бир миллат онаси таржимонсиз тушунади.

Бугун хунрезликлар қилаётган, ҳали бу қилаётган нопок ишларини оқибатини ўйлашга ҳам улгурмай, жиноят устига жиноят, хиёнат устига хиёнат қилаётган жангариларнинг ҳам оналари бордир? Улар қарғамайдимиз: "Сендай фарзанди туққунимча ит туғиб уйига, Ватанига, элига онасига вафодор этиб тарбияласам бўлмасмиди? Худодё жувонмарг бўл", - демайдимиз?

Ватандан узюқда, Ватан соғинчи билан кўз ёшлар тўкиб, ватандошларга роз айтаётган хориждаги ватандошларимизнинг дардли сўзларини экранлардан кўп эшитамиз. Шу

## МИННАТДОР ҚАЛБ ИЗҲОРИ

ЯХШИЛАР БОР БЎЛСИН ДУНЁДА

"Одамнинг боши-Оллонинг тоши". Тангри бандасининг сабрини, бардошини билиш учун унинг бошига турли қийинчиликлар юбориб синар экан...

... Мастура эри Баҳодир билан бахтли эди. Бирин-кетин уч фарзандли бўлишди. Азамат, Мафтуна ва Муштарийбегимлар дунёга келди. Иши ҳам жойида- Андижон вилоятининг Марҳамат туманидаги Полвонтош автошоҳбekaтида кассир бўлиб ишларди.

Ҳаммаси 1994 йилда бошланди. Эри Баҳодир Нурматов оиланинг иқтисодий томонини ўйлаб, маблағ ишлаб келиш учун Россиянинг узюқ ўлкаларига жўнаб кетди. Кетди-ю, исзис йўқолди. Ниҳоят 1996 йилда у ҳақда "Баҳодир Россиянинг қайси бир жойида ҳужжатсиз қийналиб юрибди экан", - деган дарак келди. Ҳўрлиги келган Мастура қан-

дай қилиб бўлмасин фарзандларининг дадасини топиб келиш ҳаракатига тушди. Аммо бу Россия деганлари беш қадам жой бўлса экан. Россия бепеён дейдилар. У жойларга бориш учун катта пул керак. Ноилоҳиждан уйдагиларнинг норозиликларига қарамасдан яшаб турган ягона уйларини сотди. Пулни белга туғиб, эрини излаб жўнаб кетди. Ойлаб излади. Қаерларни қидирмади, дейсиз. Баҳодирнинг на тиригини, на ўлигини тополмади.

- Уйда энам бечора аямни ўйлайвериб, оғриб тўшакка михланиб қолди, - деб ўша оғир кунларни эслайди йигит бўлиб қолган Азамат. - Энамга қарайдиган одам бўлмаганлиги учун аям ишдан бўшабга мажбур бўлди. Афсус, энамни соғлиғи ўнганмади. Тўққиз ой ётиб, узилди.

Бизнинг оғир кунларимиз бошланди. Мутлақо боши берк кўчага кириб қол-

ган эдик. Аям ишлай деса-иш йўқ, яшай десак -уй йўқ. Ойига минг сўм тўлаб ижарада яшаб юрдик. Тўрт йиллик қийинчиликлардан кейин бир кун йиллар давомида юзи кулгу кўрмаган аям уйга хурсанд кириб келди. "Болажонларим, энди бор гапни Президентимизга ёзамиз!", - деди. Шундай қилдик ҳам. Ҳақиқатдан кўп ўтмай Президент бободан жавоб хати келди. Унда бизнинг хатимиз чора белгилаш учун Андижон вилояти ҳокимлигига топширилибди.

Ҳа, ҳаётда яхши одамлар кўп. Уларни кўриб, шулар билан бир ҳаводан нафас олаётганимизга шўқронлар айтасан Яратганга. Мастуралар оиласини "Андижонтранс" бирлашмаси, унинг 4-автокорхона, "Меҳригиё" газета таҳририяти, "Наврўз" хайрия жамғармаси жамоалари оталиққа олишди. Ундан ҳам аввал Мастура илгариги иш жойига тик-

ланди. Сўнгра... Мустақиллик байрами арафасида ҳомийлар Мастура опага Полвонтош шаҳарчасидаги "Мақтаб" кўчаси 2-уйнинг 2-хонаси калитини совға сифатида топширишди.

Мастура онанинг, айниқса Азамат, Мафтуна ва Муштарийбегимларнинг қувончларининг чеки йўқ. "Юртбошимиз омон бўлсинлар!", - дейди мамнуният билан- Яхши одамларга раҳмат!

Мастуранинг миннатдор қалб изҳори "Меҳригиё" газетаси, "Наврўз" хайрия жамғармаси ходимларига, "Андижонтранс" бирлашмаси бошлиғи Мухтор Рустамов, 4-автокорхона раҳбари Аъзамжон Маҳкамовга, бош муҳандис Алахрор Сулаймоновга, бош ҳисобчи Маматқарим Мамадалиевга, Марҳамат бош бекати бошлиғи Марипжон Халиловга, қасаба уюшмаси раиси Соёибжон Абдураҳмоновга ҳам тўғишди...

Обид СҒИФИОНОВ

## ОЛМАЛИҚДА СЕМИНАР

СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН

Келажақ авлодни маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук, баркамол, жисмонан соғлом қилиб тарбиялашда "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармасининг фаолияти ибратга сазовордир. Яқинда "Соғлом авлод учун" хайрия жамғармаси Олмалик шаҳар таянч пунктининг "Соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш" борасидаги амалга ошираётган ишларига бағишланган республика семинари бўлиб ўтди. Анжуманда Ўзбекистон Бош вазири ўринбосари, республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Д.Ғуломова иштирок этди ва нуқт сўзлади.

Анжуман иштирокчилари дастлаб "Эртак" деб номланган 7-сон боғча ҳаёти билан танишдилар. Боғчада "Соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш", "Маънавият", "Жисмоний тарбия" хоналари ташкил этилган. Боғчанинг ўз саунаси бўлиб, кичкинтойлар у ердан

чиққач албатта иссиқ чой ёки гиёҳлардан тайёрланган шарбатлар ичишаркан. Бундан ташқари болалар иссиқхонда лимон ва ҳар хил анвойй гуллар етиштиришаркан. Буларнинг ҳаммасига шу боғчанинг мудираси Людмила Гамазова бош-қош. Семинар иштирокчилари шундан сўнғ шаҳарнинг автомобиль мактабида ҳам бўлиб, бу ерда бўлажақ ватан химоячиларини маънавий, ахлоқий жиҳатдан етук, жисмонан соғлом қилиб етиштириш йўлида амалга оширилаётган ишлар билан танишдилар. Олмалик шаҳридаги иқтидорли болалар гимназиясида семинар иштирокчиларини билим даргоҳи директори З. Фозилова кутиб олди. Йиқилганлар гимназиянинг маънавият хонасида "Соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш" бўйича альбомлар, ҳар хил методик қўлланмалар, маслаҳатлар билан танишишди.

"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия

жамғармасининг Тошкент вилояти бўйича директори Жаҳона Роҳатова амалга оширилган ишлар ҳақида семинар қатнашчиларига ахборот берди. Жаҳона опа раҳбарлигида вилоятнинг шахар ва туманларида 22 та "Соғлом авлод учун" таянч пунктлари очилган. Бугунги кунда жамғарма ҳудудий бўлими қошида 12 та дорихона, кичик корхоналар, фито-барлар, "Нодирбегим" болалар дам олиш оромгоҳи, саломатлик маркази фаолият кўрсатмоқда.

Тошкент вилояти ҳоким ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитасининг раиси С.Хўжаева, Республика "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармасининг раиси Г.Йўлдошева, Олмалик шаҳар ҳокимининг биринчи муовини Т.Топиловнинг анжумандаги чиқишлари кизиқарлиги ва амалийлиги билан аҳамиятга сазовор бўлди.

Анжуман иштирокчилари Пискент ту-

манида ҳам бўлишди. Саҳоватпеша инсон Абдусаттор ака Рашидов бунёд этган икки қаватли муҳташам "Саломатлик маркази" иш фаолияти билан танишишди. Марказнинг замонавий тиббиёт жиҳозлари "Соғлом авлод учун" хайрия жамғармаси томонидан туҳфа қилинган экан. Бу ерда терапия, педиатрия, гинекология, физиотерапия, шифобахш гиёҳлар билан даволаш хоналари мавжуд.

"Соғ танда, соғлом ақл" деган нақл бор. Болаларимиз соғ-саломат бўлишса, демак улардан келажақда қомил инсонлар етишиб чиқади. "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармасининг бугунги кундаги фаолияти ана шу эзгу мақсадни кўзлайди. Олмалиқдаги семинар иштирокчилари бунга яна бир бор амин бўлдилар.

НОЗБИБИ.

# «КЎЗИНГИЗ ХИРАМАШМАСИН, АЗИЗЛАР»

Биронта она бормики, боласи қаердадир ҳаяллаб қолса хавотир олмайди-ган бўлсин. Ёқутхон ҳам кейинги кунларда эшикка кўп термуладиган бўлиб қолди. Ҳа қуёнчақина эмасми, ичи тошиб, қўли ишга бормай қолади. Ҳа қуёнчақина эмасми, ичи тошиб, қўли ишга бормай қолади. Ҳа қуёнчақина эмасми, ичи тошиб, қўли ишга бормай қолади. Ҳа қуёнчақина эмасми, ичи тошиб, қўли ишга бормай қолади.

гапларини тингларкан, Жўрабойнинг дами ичига тушди. Кейин билагидаги олтин соатга кўз ташлади-ю, диқ этиб ўрнидан турди, ишига шошилди.

- Ҳа дадаси, бугун ҳам мактабдан хабар олмас экансиз-да?  
- Йўлдан кириб ўтаман.  
- Бўпти. Ишонганингиздан менга кўнгирак қилинг!...

Ёқутхон ўглининг қайтиб келишини, эрининг кўнгирак қилишини кута бошлади. Шу орада эри кўнгирак қилиб қолди. Унинг айтишича, мактабда кечадан ўқишлар тугаган, эртадан эса имтиҳонлар бошланар экан. Демак, ўглининг мактабда болалар билан имтиҳонга тайёранамиз деган гапи ёлгон бўлиб чиқди. Буни Ёқутхоннинг кўзига чалинган дераза тоқчасидан папка ҳам тасдиқлади. Папка китоб, дафтарларга тўла, уларни олиб кетмаган. Ёқутхон папканинг дўппайиб турган ички чўнтагида селофанда халтачага солинган бир даста пулни кўриб, кўзларига ишонмади. Олиб санаса, юз сўми, эллик сўмликдан йигирматача.

Ажабланганча ёқасини ушлади.

## (БЎЛГАН ВОКЕА)

Худди шу-нинг устига хонага ўғли кириб қолди-ю, онасига қараб, аланг-жаланг бўлиб қолди. Шошилиб папкага қўл узатар экан, онаси унинг қўлини қайтарди.

- Бу пуллари қаердан олдинг? - деди Ёқутхон ўзини аранг босиб.

Очил довдиради, сарик бетлари ловиллаб, қўк кўзлари пирпираб кетди.

- Бу... халиги... - деди дудуглики, - ўртоқларимники...

- Нега сен олиб юрибсан?

- Анави... тилига гап кела қолмади.

Кейин мингирлади:

- Биттасини тугилган кунига тўпланган...

- Ичиндан тўқияпанми дейман-а? Очиғини айт.

Ёқутхон умрида биринча даъфа ўғлини каттиқ силташ, терғаш эди. Очилдан садо чикмагач, телефон дастасига қўл узатганди, Очилнинг капалаги учиб:

- Чақирманг, ойижон, илтимос! - деб жон-жаҳди билан ойисининг қўлига ёпишди, кўнгирак қилишга йўл қўймади.

Бу эса онадаги шубҳани баттар кучайтирди, ғазабини ўйотди. Ногоҳон қарғиш аралаш ўглининг юзига қаттиқ шалақок тортди юборганини ўзи билмай қолди. Шу онгача боласини қарғаш, силтаб қойиш у ёқда турсин, хатто унга шамолни ҳам раво кўрмаган оназорга ўзининг шу ҳаракати нотабий, ёввойи бир қилмишдай туюлиб кетди, аламлидан хўнграб юборди. Йиғидан ўзини босолмай икки кафтини юзига бос-

ганича нариги уйдаги каравотга ётиб олди. Очил эса, онасининг чиқиб кетганидан фойдаланиб, пуллари чўнтагига жойладию жўнаворди...

Уйда бошланган бу ғалва эртасига бориб янада зўрайди.

Очил эрталаб одатдагидан ҳам олдинроқ папкасини қўлтиқлаб "имтиҳонга" деганича чиқиб кетганди. Кўп вақт ўтмай, мактабдан бир ўспирин Очилни сўраб кетди. Ёқутхон, ўглининг имтиҳонга кетганини айтса, ўспирин елкасини қисиб:

- Бугун нимадан имтиҳон бўлишини билармиди? Ўзи кейинги кунларда мактабда кам кўринди-ку? - деди.

Ёқутхон мушкул бир аҳволда қолиб, эрининг ишонасига кўнгирак қилди. У ёқдан: "Жўрабой акам каттиқ бандлар, бошқармада тафтиш кетяпти", деган мужмал жавоб олди. Нима қиларини билмай турганди... Бирдан эшик олди ола-ғовур бўлиб қолди. Чиқиб қараса шу тор кўчанинг нариги бошида турғувчи қўшни аёллардан уч тўрттаси чувиллашиб туришибди.

Ён-верлариди чурва қалар гужгон ўйнаша-

япти. Ёқутхон эшикдан бош чиқариши биланқо, аёллар қуршаб олишибди, чекка-чеккадан савол ёғдиришди:

- Ҳой Ёқутхон, тинчликми? Болангга нима бўлди?

- Ҳой, келиной, хунук гап эшитдик. Тўғрим?

- Сингилжон, нима кўргулик бу? Ўғилчанг...

Ёқутхоннинг тенгдоши бўлган барваста бир аёл эса кўзларидан шов-шув ёш оқизганча:

Хабаринг борми, дугонажон, шўримиз қурибди-ку! - дея Ёқутхоннинг бўйнига осилди.

Кутилмаган хунук хабарлар, важир-вужурлар Ёқутхонни эсанкиратиб қўйди. Кимга нима деб жавоб беришини билмас, ҳа деб:

- Ҳой, хой, нима кўргилик бўпти, болаларимизга нима қилибди? - деб жавоб берди.

- Хабаринг йўқми ҳали-а? Обориб тикиб қўйишибди-ку болаларимизни, деб чинқирворди дугонаси.

- Қаерга? Нима сабабдан? Тушунтириб гапирсанг-чи?

Дугонаси йиғи аралаш ўз сарғузаштини тушунтира кетди:

- Болам бўлтур ўқувни битиргандан буюн бекор қайлаб юрганди. Яқиндан бери "Ишга жойлашдим" деб, эрта кетиб кеч келадиган бўлди. Гоҳо қўлимга минг сўм-икки минг сўм пул ҳам келтириб берарди. Нима иш қилишини айтмасди. Суриштираверганимдан кейин

"почтальонга помошник" деб қулди. Почтальонга хат ташишда ёрдам берармиш. Мен ўлгур лақ этиб ишониб юрибман. Мана энди таги очилди. Бу қуриб кетмагур ландовур болаларимиз одамларнинг уйларида... анака... хатлар тарқатишга ёлланган экан. Била-санларми, у қоғозларда одамларнинг миясини заҳарлаб йўлдан оздирувчи фиску фасод, ипириски калималар битиглик экан... Болаларимизни шу харом юмушга ёллаб, уларга чой-чақа қистириб турувчи гўрсўхта ҳам шу атрофдан чиқибди.

- Ким экан у гўрсўхта? чекка-чеккадан савол ёғилди.

- Анави... бир пайт худойига йиғилган пуллари умариб қўлга тушган сохта сўфи бориди-ку... Ушанинг ўгли...

Аёллар нима қилишларини билмай туришганида, олдидларига ўчакка милиционерни келиб қолди. Ундан бор гапни эшитганларидан кейин, Ёқутхон дугонаси билан туман милиция идораси томон югурди. Уларга бозор тарафдан йўгон гавдасини аранг содранганча халлослаб, терлаб-пишиб келатган Жўрабой кўшилди.

Милиция идорасига кириш учун ижозат олиш керак экан. Дугоналар кутиб ўтиришди. Бир пайт йўлакка милиция формасидаги хотин чиқиб қолганди, дугоналар унга ёпишиб, ўз болаларини суриштиришди. Лейтенант буларнинг кимликларини сўраб олгандан сўнг, болалари гуноҳ иш қилиб қўлга тушганларини лўнда қилиб билдирди. Шу он Жўрабой гапга тушди ва боласининг ёмон ишга қўл уриши мумкин эмаслиги, кимлардир уни лақиллатганлиги, ўзини эса гафлат босганлигини айтиб, боланинг гуноҳини кечиртишларини ўтина бошлади. Лейтенант эса юмшоқ муомила билан арз додларга нуқта қўйди:

- Аслида-ку, сизларни гафлат босмагани маъқул эди. Болангизни хар қадамни зийраклик билан кузатиб турганларингиз дуруст бўларди. Бўлар иш бўлди, энди катта бир синовдан ўтасизлар. Сабр-тоқат тилайман сизларга...

Лейтенант икки қўлини қозондай қорни устида қовширганча, қалин қовоқлари остида қисилган хира кўзларини пириллатган ҳолда жавоб кутаётган Жўрабойга оқиқ хабар билан боқди.

- Айтганларим сизгаям тегишли, муллака. Чамада кўзларингиз бозор ҳавосида хира босгандай кўринади.

Ҳақим НАЗИР  
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

- Болажон, вақтлорқ келиб уй ишларига боқсангиз бўларди. Ахир ойинг билан сингилннга ачинмайсанми?

Жўрабой бугун барвақт туриб, ўғли билан бафуржа сўзлашмоқчи бўлганди. Очил нари бери чой ичибқо кўчага отилди. Адасининг "Ҳой, қаёққа шошасан?" - деган саволига, "Мактабда дарс тайёрлаймиз, адажон. Тезда қайтаман", - деганича кетди. Жўрабой ўзини тутолмай, қисқик кўзларини пириллатиб, хотинига зарда қилди:

- Болани ж-жа манмансиратиб юборибсиз-ку?

- Манмансиратиб юборибсиз, денг! - деди Ёқутхон захархандалик билан. Ўғилнинг ёши улғайган сари ўзбошимча бўлиб, гапимизга қулоқ солмай қўяпти. Ота бўлиб, муңдоқ ўқувларига қарамасангиз, қаерларда, нималар қилиб юрганини суриштирмасангиз! Болани уйламасангиз...

- Наҳотки, уйламасам, мунча ваҳимага бериласиз! Биздан одам чой бола чикармиди? Бола деган отага тортса керак, дейман.

Ўзингизни юпатаверасиз. Отдан тушсангиз ҳам эгардан тушмайсиз!... Бирон марта мактабга борганингиз йўқ. Синф раҳбарининг ўзи келиб айтиб кетганида ҳам бормадигангиз. Бундан ташқари бир ҳафтача бурун синф раҳбари келган. Ёқутхон билан жиддийгина суҳбатлашганди. Синф раҳбари хийла синчков, тўғри сўз йиғит экан. Очилнинг баҳолари пасайиб кетганидан холиди. Хулқи ёмонлашгангиздан хавотирда эканлигини айтди. Муаллимнинг ўғитлари ҳамон Ёқутхоннинг қулоғи остида жаранглрди: "Болаларимизнинг қанақа одам бўлиб етишяётганини ҳам синчиклаб кузатиб боришимиз керак. Фақат уйдаги ишларданмас, мактабдаги, кўчадаги ишларидан ҳам хабардор бўлиб туриялик. Ўспирин ёшига етган болада хар нарсага чалғиш қўпаядики, бунга сергаклик билан қарамаса бўлмайди!". Ёқутхоннинг куйиб-пишиб айтган



Суҳбатдошим Каримахон Аҳмедова 1959 йилда Қўқон шаҳрида туғилган. 1981 йили Тошкент халқ ҳўжалиги олийгоҳини тамомлаган. Ҳозирда "Ўзтадбиркорбанк" Қўқон бўлими бошқарувчиси лавозимда хизмат қилмоқда. Ойлали, тўрт фарзанднинг онаси.

- Каримахон, айтингки баъзи қизлар мактабда математика фанини ўрганишдан бош торттишади. Сиз эса аёл бошингиз билан каттакон бир банкда ҳисоб-китоб ишлари билан машғулсиз. Бу сизга оғирлик қилмайдими?

- Замонага боқинг, бепарво бўлсангиз ҳамёнингиздан айриласиз. Ҳисобни билмас эркаклар хотинидан, хотин-

лар эридан дакки эшитади. Рўзғорда ҳамиша етишмовчилик юз беради.

- Узр, аёллар мол-дунёга ўч бўлади, дейишади. Сиз ҳам хўжайинингиздан кўпроқ пул сўраб турсангиз керак... Ёки?...

- Қизикчи Хожийоҳи Тожибоев айтганидек "Аёлнинг қирқта жони бўлса яна шунча хийласига дош берган эркак мустақам оила қураб экан (албатта ҳазил).

## ЯХШИЛАРДАН СЎЗ ОЧДИК

# МЕХР-ОҚИБАТ ЭНГ КАТТА ҲАЗИНА...

Турмуш ўртоғим, маслаҳатгўйим, болаларимнинг меҳрибон дадажониси сарф-харажатни мендан яхшироқ билади. Бозор-ўчар учун қуониб югурмайман. Рўзғорга керагини айтсам ўзлари толиб-тўтиб келаверади.

- Оиладаги "Ҳазина" кимда сақлангани маъқул. Эрдами ё хотинда?

- Менинг фикримча эрда тургани маъқул. Агар "Ҳазина" аёлда турса унинг упу-элигидан то борди-келди-ларига каттакон ҳазина ҳам дош беролмайди. Эринг қадр-қиммати бут бўлиб ҳисобдан адашмасан оилада баракка қўпаяверади.

- Иш фаолиятингиз ҳақида ҳам икки оғиз гапириб ўтсангиз?

- Мустақиллигимиз шарофати билан аёл тадбиркорларга кенг йўл очиб берилди. Яхши ишларни амалга ошириб одамлар оғирини энгил қилишимизда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки муовини Ашуралӣ Қодиров, С. Бержанов, Т. Ҳайдаров, Й. Султонов сингари устозларимиз бизга

яқиндан ёрдам бериб келишмоқда. Тадбиркорларимизга бунёдкорлик, ободонлаштириш ишларига камарбаста бўлмоқдамиз. Жумладан "Саодат", "Гули", "Гавҳар-1", "Муслимабиби", "Абу Али Сино", "Авазбек" сингари фирмаларга етакчилик қилаётган С. Ҳошимова, М. Қодирова, М. Умарова, И. Мирзаевалар ўз фаолиятларини янги бошлаганликлари учун ўз миллион сўмдан, бир миллион сўмгача кредит ёрдам пуллари бердик.

Банкиимизнинг асосий хизматчиларини қиз-аёллар ташкил этади. Дилфузахон Маматқулова, Муножатхон Усмонова, Зиёда Акрамова, Замира Буваназарова, Нигора Ниёзова, Наргиза Умарова сингари фидойи ҳисобчиларимизнинг ҳалол меҳнатларидан беҳад миннатдоримиз.

Суҳбатдош: М. СУЛАЙМОНОВ.  
Суратда: (ўртада) "Ўзтадбиркорбанк" Қўқон бўлими бошқарувчиси К. Аҳмедова ўз ҳамкасблари даврасида.

Ўз сеvimли газетам орқали мен учун буюк бўлган Онажоним, бизни деб ёшлиқларини бахшида қилган меҳрибоним учун мадҳиялар айтиб, ташаккурлар изҳор қилмоқчиман.

**Онамдан бир умр ман қарздорман,  
Хизматин узишга умрим етмайди,  
Отамга муносиб сўз қарздорман.  
Бу армон дилимдан энди кетмайди.**

Онажоним 28 ёшингизда, гулдек очилган даврингизда, адам бизни ташлаб кетдилар. Ўшанда акам 7 ёшда, мен 2,5 ёш, синглим Холида эса 5 ойлик чақалоқ эди. Мана ҳозир ёшим 31 га қараб кетаяпти. Мен ҳам 3 боланинг онаси, акажоним 6 боланинг отаси, синглим эса 1 ўғиллик бўлди. Онажон ёшлиқда билмас эканман. Ўшанда отам бизни ташлаб, ўзга аёлнинг этагини тутиб кетганда, хаёлингиздан нималар кечганикин? Энди ўзим ҳам оилали бўлиб, турмуш сўқмоқларининг пасту баланд йўллари кўриб, шу ҳақда жуда кўп ўйлайдиган бўлдим. Лекин сиз ҳаётнинг синовларига қаттиқ туриб, бардош бердингиз. Кечалари уйку нима, кундузлари тиним нима билмадингиз. Аёл бошингиз билан ҳеч кимнинг ёрдамисиз, не-не машаққатлар билан бизларни оёққа турғаздингиз. Эсимда, у пайтлар ҳалол меҳнат қилганлар, тадбиркорлик қилганлар ўғри ҳисобланар эди. Саҳар туриб, гўшт орқалаб Янгийул бозорига олиб бориб сотар эдингиз, келиб (8 сотих еримиз бор

қаноти йўқ кушдек бўлишингизни энди ҳис қилаяпман Онажон...

80-82 йилларда акажонимни Афғон урушига олиб кетишди. Ўшандаги ахволнингизни эсламан - бир кунингиз бир йилдек бўлган эди. Кечалари туриб Оллоҳга саждалар қилиб "Парвардигорим ёлғизимдан айирма, ишонганимдан айирма, эсон-омон қайтиб келсин, яхши тўйлар қилай, болаларини бағримга босиб катта қилай", деб йиғлаганларингиз ҳамон ёдимда, Онажон! Чунки ўша пайтда Зангиота маҳалласидан Афғонга кетган болаларнинг 2 тасини темир яшиқларга солиб, олиб келишган эди. Оллоҳимга беадад шукрлар бўлсинки, дуоларингиз ижобат бўлиб, олдингизда 6 боланинг отаси бўлиб, бағрингизни тўлдириб юрибдилар. Биринчи неварангиз дунёга келганда эсингиздами Онажон, кўзингиздан сеvinч ёшлари оққани:

**Осмонида яралган бир осмонимсан  
Хаққа бориб етдимикан ўтли оҳим.  
Ғамгин-ғамгин дунёларни ҳайдадим мен,  
Тушларимни ёрит энди, эрка шохим.**

Онажоним 1986 йилнинг март ойлари мени унаштирдигиз. Акам адамларни тўйга айтиб борганда, адамлар мебелини ўзим олиб бераман, деб ваъда берибдилар. Акам буни ҳеч кимга айтмаганлар. "Мебелини қачон олиб келасан", деб шоширганларингиз эсингиздами Онажон! "Олиб қўйганман сиз ҳавотир олманг", деб акамлар мол

"Яратганининг менга кўрсатган инояти шу эмасми?"-дедингиз. Адамлар эса ерга қараб жим ўтирар эдилар. Кейин билсак, биздан кейин адамларда фарзанд бўлмабди, бир кўзларига оқ тушиб кўрмай қолибдилар. Ахир, айтадилар-ку, Худо-ҳақ Худоси, деб. Сизнинг гапларингизни эшитиб амман шунда: "Кенноий, акам олдийларга келиб турсалар. Ахир ўз болаларига, этни тирноқдан ажратиб бўлмабди, борди келди қилсак",-дедилар. Онажон шунда ҳам сиз бағри кенглик қилдингиз-а. "Майли болалар энди эс-хушини таниб ўз-ўзликни эплашди. Энди бу ёғи ўзларига ҳавола, мен қарши эмасман. Ахир нима қилганда ҳам отаси, шу одамнинг пушти-камаридан бўлган болалар. Мен ажратмайман",-дедингиз. Лекин биз хохламадик. Чунки Онажон, адамиз билан бизнинг ўртамизда худди бегонадай жарлик бор эди. Буни отаси бўла туриб отасиз, ота меҳрига зор бўлиб ўсганлар кўпроқ тушунади. Онажон, мактабда синф журналининг орқасида ўқувчилар ота-онасининг исми, турар жойи, иш жойи ёзилар эди. Шунда сизнинг иш жойингизни айтар эдим-у, "отанг қаерда ишлайди",-дейишса, индамай ерга тикилиб тураверар эдим. "Отам бизларни ташлаб кетган",-дейиш қанчалик оғирлигини билсангиз эди. Ундан кўра "Отам ўлган" дейиш осонроқ эди мен учун. Йўқ-йўқ, Онажоним, сиз бизни ҳеч нарсага зориқтирмай ўстирдигиз. Отаси бор ўртоқларимдан ҳам айлороқ кийинтирдигиз, едирдингиз. Ўзингиз

# СИЗ МЕХР МАМЛАКАТИНИНГ МАЛИКАСИ СИЗ

ФАҚАТ СИЗГА АТАЛГАН СЎЗИМ

Киймасангиз

эди), бир ўзингиз қулупнай экиб, чопик қилар эдингиз. Биз қарашайлик десак, дарсингни қил болам-дарсингни, ўзим амаллайман",-дердингиз-а Онажон! Баъзида қаттиқ қийналиб кетганингиздан "Қадримизга етмаган, донадек-донадек болаларини билмаган оталаринг кўр бўлсин, тирноққа зор бўлсин",-деб ўқиб-ўқиб йиғлаганларингизни эшитиб қолар эдим. Онажон эслайсизми? 70-80 йилларда олди-сотдига қаттиқ туриларди. Ўз кўлингиз билан тиккан нарсаларингизни, қилган меҳнатингизни бемалол бозорда сотолмас эдингиз, уйма-уй юриб сотар эдингиз. Ўшанда милиция ушлаб олиб "қамайман", деб сизни қўрқитгани, уйга келиб бизларни милиция хонасига олиб борганингиз, "шу етимчаларга раҳмингиз келсин",-деб йиғлаб халталарингизни олганларингиз эсингиздами Онажон! Отам алимент тўламай қочиб юрганлари, бизларни судраб ишхоналарига бориб, у ердан "бўшаган" деган гапларни эшитиб сарсон бўлиб келганимиз ёдингиздами? Онажоним матонатингизга балли дейман. Қиш кунлари биримиз олиб, биримиз қўйиб иссиғлаб чиққанимизда, мижжа қоқмай тепамизда ўтириб, тунларни тонгга улаганингиз. Онажон, энди оилали, бола-чақали бўлиб менинг ҳам бошимдан шундай кунлар ўтиб, ўша турмуш ташвишлари бир ўзингизга қанчалар қийин бўлганлигини тушунапман.

**Тонг билан баробар рангим оқарди,  
Оташ-алангада ёнди дилбандим.  
Шу кеча мен сизни соғиндим ёмон,  
Шу кеча қадрингиз билинди Онажон!**

Туни билан иссиғим чиқиб, эртасига оғирлашиб қолганимда йиғлаб, яланг оёқ қўшнимиз-болалар дўхтири Толип акага чопганингиз! Мактабга борганимда химия ўқитувчимиз Венера опа ёнимдаги қиз гаплашиб ўтирган бўлса ҳам, мени бошимга "жим ўтир" деб урганда болалик қилиб уйга келиб сизга айтган эдим. Мени олдимда индамадингиз-у, лекин эртасига мактабга бориб, Венера опага - "Мен буларни бир кўзлаб боқаяпман. Қанча гапингиз бўлса гапириб тушунтиринг, уриб эмас",-деб йиғламосираб гапирганларингизни, энди-энди билиб, тушуниб етаяпман, Онажон! Ёлғизлик ёмонлигини, ёнингизда оғир кунингизда суянадиган суянчингиз, ишонадиган тоғингиз бўлмаса, бир

ёйишга бир кун қолганда адамларни олдиларига борсалар, "Пулим йўқ, обермайман",-деб уйдан чиқариб юборган эканлар. Эшитиб росаям хафа бўлиб, йиғлаган эдингиз. Акамдан ҳам хафа бўлдингиз, "Менга бир оғиз айтишинг керак эди",-деб. Никоҳ кунни ҳам келди. Мен кутган дақиқалар... Эшикдан чиқаётганда ҳар бир қизни отаси бўлса, "оқ фотиҳа" олиб кузатилади. Лекин мен отаси бўла туриб, отасиз катта дадам ва акажоним билан хайрлашдим, оқ фотиҳа олдим. Мана 14 йил бўлибди-ки, ўша вақтдаги ҳолатимни ҳали ҳам эсламан. Мен адамларни кутган эдим...

Ийд рамазон хайити кунни намоздан кейин эшикдан адамлар билан амман кириб келишди. Акамлар уйга олиб кирдилар. Сиз "Адангни уйингга олиб кир болам. Менинг аданг билан гаплашадиган гапим йўқ",-дедингиз рангингиз оқариб. Шунда адажаларни Сизга қарата: "Онаси, мен сени олдингга келдим, кечира олсанг кечир. Сенларга вақтида ёрдам беролмадим. Нариги дунёда сени розилингинг керак экан менга",-дедилар.

Худо кўрсатмасин Онажон, ўша қийналган пайтларингизда сиз ҳам ҳозирги бир хил енгилтак аёллар, 2-3 та бола билан ажрашиб, эрига жаҳл қилиб фарзандларини болалар уйига топшириб, "Сенга хотин топиладиганда, менга ҳам эр топилади",-деб кетганингизда, нима бўларди? Адам унда нима қилардилар? Биз-чи? Энди ўзимизни тутиб ҳамма қийинчиликлар орқадан қолгандан кейин фарзандлари ва сизнинг розилингингиз керак бўлиб қолибди. Онажоним шунда ҳам оғирлик қилдингиз. Сиз сукутга чўмиб, хаёл дарёсига фарқ бўлдингиз. Балки қийналганларингизни, уйкусиз тунларингизни, бизларни катта қиламан деб, не-не гапларга, маломату тухматларга қолганларингизни эслагандирсиз ва ниҳоят: "Майли мен кечирдим, Оллоҳим кечирса бўлди. Мен кечирмаганимда сиз менга ўтган ёшлигимни қайтариб бермайсиз, сочларимга кўнган кировни қорайтириб қўя олмайсиз. Оллоҳга шукр, мен шу кунни умр бўйи кутиб яшадим ва ниҳоят қўрдим. Мен Яратганининг олдида ким бўлибман? Мен кечирдим, қилган ишларингизни Парвардигорим кечирса бўлди, ўтган умримга, болаларимга бағишлаган умримга мингданминг розиман. Мана 10 та неваралик бўлдим. Яқинда неварак-куёв кўраман, шу мени бахтим.

ҳам шуларнинг кўнгли ўқсимасин, ҳеч кимдан кам бўлмасин деддингиз. 28 ёшингизда бева қолдингиз Онажон! "Ҳали ёшсан, турмуш қил, шундай қилиб, қийналиб юргандан кўра",-деб маслаҳат берганлар ҳам бўлди, тўғрими? Онажон, лекин сиз "йўқ энди мен бу ёғига болаларим деб яшайман" деганларингиз ёдимда. Сиз бизларни фақат моддий томондан эмас, балки маънавий томондан ҳам ҳеч кимдан кам бўлмабди ўсишимизга ҳаракат қилдингиз. Ҳар яқшанба уй-рўзғор, турмуш ташвишларидан ортиб Беш ёғочдаги Муқимий театрга ёки Хадрадаги Циркка олиб борар, расмларга туширар эдингиз-а?

Онажоним, мана ёшингиз бир кам 60 га чиқибди. Сочларингиз оппоқ. Лекин юзингиздан нур ёғилади. Фақат, фақат оёқларингиз оғриб, анча безовта қилаяпти. Докторларингиз муоалажалари самара бермаяпти. Бу ўша ёшлиқда бизни деб гўшт орқалаб, тонг саҳардан тинмаганингиздан, Онажон. Энди биз сизнинг оёқларингиздан кетган қувват ўрнига қувват, кўзларингизга нур бўлишимиз керак.

**Оппоқ сочларида поклик жамоли,  
Жони зирқирару, тилида боли.  
Уч фарзанд қошида, биз қадди доли  
Онамнинг дардига шифо сўрадим.**

Онажоним бу дунёда сиздек кадрдон, меҳрибон, суянчимизни бориға Оллоҳга мингдан-минг шукроналар дейман. Ахир сиз бизларни оқ ювиб, оқ тарадингиз. Гул-гул очилган ёшлигингизни бир ўзингиз бизга бахшида қилдингиз. Отаси бор фарзандлардан кам қилмасликка, ҳалол едириб, ҳалол кийдиришга, бизга тикан киргудек бўлса, ўзингизни бахшида қилишга тайёр бўлдингиз. Ҳалигача ўз-ўзимиздан тиниб, бола-чақали бўлиб кетган бўлсак ҳам, сизнинг назарингизда ўша-ўша ёш боламиз. Уйга борсам кўксингизга бош қўйиб, иссиқ бағрингизда ором олгим келади. Бағрингиз мунча иссиқ Онажон! Ўзингизга қарайман-у, меҳрининг туганмаслигини кўраман, сочларингизнинг ҳар битта оқ толаси-мен учун, бизлар учун чеккан машаққатларингиз эвази эканини тушунаман. Сиз меҳр мамлакатининг маликасисиз онажониман!

Сизни севикли қизингиз

## “ҚАНДАЙ ҚИЛСАМ УНДАН ҚУТУЛАМАН”-33-сон

### ХИЁНАТНИНГ КЎЧАСИДАН ЎТМА, АЁЛ...

Х.нинг дил изхорини ўқиб изтиробли сўроқлар исканжасида қолдим. Наҳотки ўзининг зук-колиги, фаҳм-фаросату ибоси билан олам аҳлини лол қолдирган ўзбек аёли ўткинчи орзу-ҳаваслар олдида шунчалик тубанлик ботқоғига ботса? Бевафо молу дунё учун ўзининг, оила-сининг қолаверса, миллатининг шаънига доғ туширса?

Хурматли Х. қарийб сиздан 20 ёш кичикман. Шундай бўлсада ўз фикрларимни сизга баён этмоққа жазм этдим. Болалар ботчасида тарбиячи бўлиб ишлайман дебсиз, лекин тарбиячининг ўзи тарбияланган бўлиши керак эканлигини унутгансиз. Энг катта хатоингиздан бири шу. Қолаверса эрингиз ҳалоллаб топиб келаётган пулларга қаноат қилмагансиз, ҳаромдан бўлса-да кўпроқ пул топишга умидвор бўлгансиз. Ёзганларингизда буларнинг барчаси яққол намоён бўлиб турибди. Кеч бўлсада ўз айбингизни англабсиз, бу нафс зулмати ичра қолган қалбингизнинг қай-сидир бурчагида виждон чўғи милтиллаб турганидан далоят беради.

Онажоним Х. ҳар қандай вазиятда бўлса ҳам у билан алоқани узинг. Яқин орада набирали ҳам бўларсиз (илло ўша кунларга етказсин!). Унинг муноқаддай қоп-қора кўзларига боқиб, ўзингизни гуноҳдор санаб, виждонингиз олдида қандай жавоб беришингизни ўйланг. Молу-дунё билан инсон ҳақиқатдан бўлиб қолмайди. Ҳар балонинг ибтидоси нафсдор. Нафсга қўл бўлиш ҳам, нафсни қўл қилиш ҳам ўзингизнинг иродангизга боғлиқ. Хиёнатнинг кўчасидан қайтиб ўтмаслигингиз ва бошингизга тушган бу мушкулотдан чиқиб кетишингизга Тангри таоло - Оллоҳ маддор бўлсин.

Хуснинг бўлса, эл аро ҳеч айлама кўз, Кибру ҳаво этагиндан тутма аёл. Ибо янглиг - нафосатдан ўгириб юз, Хиёнатнинг кўчасидан ўтма аёл. Ёр кўнглини, ёр уйини сақла обод, Йигит учун бундан ортик йўқдир иқбол. Келтирмишингиз десанг фарзандларга исқод, Хиёнатнинг кўчасидан ўтма аёл. Наҳот қадринг қиймати бир зарли либос, Сўнг пушаймон оғусидан ютма аёл. Қилар эдим фариштага сени қиёс, Хиёнатнинг кўчасидан ўтма аёл. Эзгуликнинг чаманида изим десанг, Бахтин бутун айлай ўғил-қизим десанг, Икки дунё ёруғ бўлсин юзим десанг, Хиёнатнинг кўчасидан ўтма аёл.

Жаҳонгир ФОЗИЛОВ.

### АҚЛЛИ ОДАМЛАР ДОСТОН ҚИЛМАЙДИ

Синглим, моддий томондан қийналган эдим, ҳадеб эримдан пул сўрайвериш жонимга теккан эди дебсиз. Моддий томондан қийналган, тушкун кайфиятидагилар учрайди. Лекин, Сизга ўхшаб, маънавий қашшоқ эмас. Сиз сабр қилганингизда, эрингиздан кўрмасангиз болаларингиздан кўрардингиз, виждонингиз тоза, юзингиз ёруғ бўларди.

Энди булар иш бўлибти. Сиз келин олибсиз, қиз чиқарибсиз. Келинингиз ота-оналари ақлли, тушунган одамлар бўлса, Сизнинг мард эркинлик улар билан учрашин. Ақлли одамлар буни ҳеч кимга достон қилмайди, ўзи қиз берган жойингиз сирларини ошқор қилмайди. Ҳатто қизи, қуёвига айтмаслиги мумкин. Жуда бўлмаганда қизига асло эрини юзига солмаслик шарти билан айтиши мумкин. Сизнинг айбингизни рўкач қилиб, қизини олиб кетса, ўз қизининг турмуши бузилади. Сирни яшириб, қизининг турмушини бузмасликдан, қудаларингиз манфаатдор. Очилиши мумкин бўлаётган қозон ёпилиб кетса, ажабмас. Лекин, учрашув қудаларингиз уйда эмас, бошқа ҳолироқ кафеда, хуллас бошқа жойда бўлса, дуруст эди.

Алоқани узсангиз, бошқа асло қайрилиб қараманг.

Сиз ҳам бу ёёига мард бўлинг. Айбини бўйинига олиш ҳам марднинг иши. Тавба қилинг, Оллоҳнинг қарами кенг. Беайб Парвардигор.

Китобларни кўпроқ ўқинг. Сизга улар ҳақиқий бахт нимада эканлигини айтиб беради.

Тошкентлик Н.

### ЎҒЛИНГИЗ КЕЧИРАРМИКАН?

“Х” опа, менинг ёшим 40 да. Мен сиздан 3 ёш кичкинаман. Очиги сизга ўхшаганлар жамиятимиз юзига доғ бўлиб, аёлларга нисбатан одамларда нафрат уйғотади. Оналик бахтини, аёллик ор-номусини арзимаган мол-дунёга алмаштирибсиз. Умр жуда ҳам қисқа, одамзода бир маротаба берилади. Бу Оллоҳнинг қимматли неъматини сиз азоб-уқубатда ўтказмоқдасиз. “Эрни эр қиладиган ҳам, қаро ер қиладиган ҳам хотин”, дейдилар. Ёзганларингиз тўғри бўлса, “Шунча кийим-бош, тилла тақинчоқларни қаердан олдингиз?”, деб эрингиз сўрамадимми? Сизни шу йўлга кетганингизга авваламбор эрингиз, ота-онангиз, атрофдагиларингиз ҳам қисман айбдордирлар. Сезиб сезмаганга олиб, юрганлар. Айтилган-ку, бирники мингга, мингники оламга татир деб. “Х” опа агар ўша сиз айтган 49 ёшли эркак, “Сизга меҳр қўйиб, севган бўлса, мен ҳақиқий эркакман деса, у сизни қудаларингиз олдида бориб обрўйингизни тўкмайди. Чунки бу иш ҳар иккала томоннинг розилиги билан содир этилган. Агар сизни бориб сотса, ана унда у эркак мард эмас, пасткаш одам ҳисобланади. Унинг ҳам оиласи бор экан, болалари олдида (балки қуёвни ҳам бордир) юзи қаро бўлмайди?”

Менимча у киши бу ишга журъат этолмас керак. Бу эркак билан орани очиб қилиш учун сизда мустаҳкам ирода бўлиши керак. Сизда шу нарса борми? Сизни ўғлингиз кечира олармикан? Чунки у ҳам эркак-ку?

Мухаббат САЪДУЛЛАЕВА,  
Бухоро вилояти,  
Бухоро тумани.

### ЯХШИ АЁЛЛАР ҲАЁТДАН НОЛИБ ЮРМАЙДИЛАР

Ҳаётда ҳар бир инсон адашиши, ҳаттога йўл қўйиши мумкин. Аммо Х.нинг тутган йўлини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди.

Х. Сизга шундай демокчима ҳамма айб ўзингизда, агар қалбингизда заррача имон бўлганида бу дунёнинг ўткинчи мол-дунё, кийим-кечакларига ному, ор, ҳаё ва ибос каби аёллик фазилатларини алмаштирмас эдингиз. Турмуш ўртоғингиз ҳам зиёли, илмли инсон эканлар. Наҳотки ана шундай пок бир инсонга хиёнат қилишни ўзингизга муносиб билсангиз. Аянчли томони шундаки, сиз барча аёлларни ўзингиз каби ўткинчи моддий эҳтиёжларга ўч бўлади дебсиз. Шукроналар бўлсинки, барча аёллар ҳам сиз ўйлаганчалик қаноатсиз ва ношукр эмаслар. Атрофга боқинг шундай аёллар борки, ёлғиз она бўлишига қарамай фарзандларини оқ ювиб, оқ тараб файзли ҳаёт кечирмоқдалар. Моддий жиҳатдан қийналган вақтларида ҳам ҳеч қачон ҳаётдан нолиб юрмайдилар. Сиз пул топиш учун қўлай деб билган йўлдан эса ҳазар қиладилар.

Сизнинг дил изхорингизни ўқиб ҳайрон бўлдим. Аввалига йиғлаб-сиқтаб у эркакдан алоқани узишни сўрабсиз. Сўнгра шу кунийқ шайтон яна сизни йўлдан урибди. Вазиятингиз шу даражага боришига сизнинг иродасиз ва қатъиятсизлигингиз сабаб. Агар ҳақиқатдан ҳам бу ёмон йўлдан қайтмоқчи бўлсангиз, у киши билан орани очиб қилинг ва барчасини эҳтиёткорлик ва ёғич билан қудангизга айтиб тушунтиринг. Қудангизни олдида боришни зарурати йўқлигини зора у ҳам тушунса. Сиз у кишининг шартига рози бўлсангиз, бир кун келиб нафақат қудангиз, балки маҳалла-қўй, қавм-қариндошларингиз воқиф бўлишлари ва ундан сўнг уларнинг кўзларига қандай боқшингиз ҳақида ўйлаб кўринг. Ажабмаски шундан сўнг покиза ва ҳалол ҳаёт кечириб кетсангиз.

Гулсара СОБИРЖОНОВА

### ФАРЗАНДИНГИЗНИ ЁЛҒОНЧИ ҚИЛМАНГ “ЮРАК БАҒРИМНИ ТИЛМАНГ ОНАЖОН”-22-сон

Хурматли онажонлар, фарзандларини дилдан севган, уларга ёмонликни раво қўрмайдиган меҳрибонлар. “Оила ва жамият” рўзномасида кўпроқ ота-она ризолиги деб ўз севганларига етишолмай юрган ва етишолмай бахтсиз бўлиб қолган йигитларнинг дил сўзларини ўқийман. Онажонлар фарзандларингизни қийнаманг, ўз севган қизи қолиб бошқасини олиб беришга интиланг. Оқибатда уларни бахтсиз қилиб қўйишингиз мумкин. Бу мақолани ўқиб, ич-ичимдан эзилдим. Аҳир Шерзод ака айтганидек ўтмишдаги воқеалар учун ёшлар жавобгар эмаску. Эски гина-қудурати деб икки ёш бахтсиз бўлиши керакми?

Тўғри, Соҳида одобли, ақлли қиз. У балки ҳаётида ўз ўрнини топар, лекин бир умр қалби кемтик яшайди. Шерзод ака-чи, у киши ҳам ардоқлаган муҳаббатидан айрилгач қандай яшайди, ота-онаси олиб берган қиз олдида бамисоли ҳайкал бўлиб қолмайди?

Ота-она не-не умидлар билан фарзанд ўстиради. Келин олсам, қиз чиқарсам деган орзу ҳар бир ота-онанинг қалби тўрида сақланган эзгу мақсади бўлса керак.

Шунинг учун ҳам Шерзод ақанинг ота-оналарига қарата фарзандингизнинг қалбини вайрон-рангини сомон қилманг, демокчима. Эҳтимол, бундай фикрларни айтишга ҳақим йўқдир. Лекин истагим барча ёшлар ўз ўринларини топиб, бахтиёр яшаб, мустақил юртимизнинг гуллаб яшнашига муносиб улуш қўйишларига тилақдошман.

Холида МАХМАДАЛИЕВА  
Қашқадарё вилояти, Нишон тумани

### “ОИЛА ВА ЖАМИЯТ”ГА ОМАД ТИЛАЙМАН

Ёшим 49 да. Рўзноманинг 1999 йил 18 августдаги сонини ўқиб, қисқача ўз фикримни билдиргим келди. Дилбар Саидованинг “Чоршанбадан чоршанбагача” рўқни остидаги Д.Расулованинг рўзнома саҳифаларида кўпроқ намунали оилалар, ажойиб меҳнаткаш ўй бекалари ва ҳоказолар тўғрисида мақролар ёри-тилишини истаб ёзган мактубларига жавоблари жуда маъқул бўлди. Ҳаётни фақат мақтарли томонларини ёзаверсак, кечирасиз-у, рўзноманинг бошқа севиб ўқилаётган рўзномалардан фарқи қолмайди.

Турмушининг, ҳаётнинг ўнқир-чўнқирларида адашган, тўғри йўлни тополмаётган, ёки тўғри йўл билан қинғир йўлни ажрата олмаётганларга ёрдам бериб, тўғри йўлни кўрсатсак, бу савоб эмасми? Зеро, рўзноманинг муваффақияти ҳам шунда деб ўйлайман. Шундай кенг феъллик билан жавоб ёзган Дилбар Саидованига раҳмат.

Тошкентлик Н.

### ЭРКАК УЛКАН БИР ДАРАҲ “ЭРИМНИ СЕВАМАНУ, АММО...”-25-сон

Эслатам: “Оилам тўқис-туғал. Эрим билан яхши яшаймиз. Кетма-кет қизлик бўлди. Соғлигим йўл қўймадлиги сабабли энди бундан сўнг шифокорлар менга фарзанд кўриш мумкин эмаслигини маслаҳат беришди. Мен эримни яхши кўраман, унинг ўғил фарзандли бўлмай армонда яшаб ўтишини ҳам истамайман. Шу сабаб унга яна ўйланиши учун розилик бердим”- деб ёзганди Гули Нигор.

Азиз Гули Нигор. “Мен эримни жуда севаман. Оллоҳдан уларнинг умрлари узок бўлишини, тетик бўлиб 100 ёшга киришларини сўраб қоламан” дебсиз. Шу сўзларингизнинг ўзи одамни тўлқинлантириб юборади. Жуда оқилона фикр юритибсиз. Агар янглишмасам тарозу буржи остида туғилгансиз.

Бу ўткинчи дунё. Ҳаммадан қолади. 40 ёш арафасида туриб ҳамма нарсага гувоҳ бўлдим. Кўп нарса кўрдим ҳаётда. Тўғриси, 26 ёш дан буён оиласиз яшаб келаман. 1 нафар фарзандим борлиги, рўзгоримда ҳамма нарса етарли бўлгани учун қайта туғиш қуришга ҳожат йўқ деб ўйлабман. Худода минг шукурлар бўлсинки, илоё умри узок, бахти бекам бўлсин ўғлим - эзирда 20 ёш арафасида. Билимдон, ақлли, сарвқомат ўғлим билан фахрланаман. Лекин, ўз вақтида турмуш қуришим керак экан.

Ҳаётда жасоратли аёлни кам учратдим. Аёлнинг жасорати кўп нарсани ўзгартиради, мен бунга ишонаман. Мен таниган айрим ҳали турмуш қурмаган ёки бир икки боласи билан эридан ажрашган жувонларга ачинаман. Ҳали улар менга ўхшаб 40 ёшга киргунча эҳ-ҳе нималарни кўришмайди. Мен ўзимдан ўтган дил кемтиклигини ҳеч кимга раво қўрмайман. Ҳалиям аёл бардошли бўлар экан.

Менинг бир танишим, “Эркак улкан бир дараҳт, серсоя дараҳт. Унинг соясида қанча одам ором олса бўлади”, - дер эди. Мен қисқа сўзимни яқунлаб бу қилмоқчи бўлган ишингиз савобли иш деган бўлар эдим. Ҳеч иккиланманг мен худодан бўлажак “дугонангиз” яъни қундошингиз ўзингиз каби қатъиятли, жасур бўлишини тилаб қоламан ва бу ишингиз билан аёлнинг дилини бекам қилган бўласиз, дегим келади.

Раҳмат сизга.

НАБРИКАЛАР ВА ЭЪЛОЛАР



**Азиз дўстимиз ШЕРХОН ҚОРАЕВ!**

Сизни 22-бахорингиз билан кутлаймиз. Ижодий ютуқлар ва баркамоллик тилаймиз. Соғ бўлинг.

**Эхтиром билан опангиз Басира, Тоҳир, Ўқтам, Файзулла ва барча дўстларингиз.**



**Суюкли қизалогим ГАВҲАРХОН!**

25 -сентябр куни, 7 ёшга тўлишинг билан кутлайман! Тилагим шу.

Жондан азиз, суюкли қизим, Сен бахтимсан ёруғ юлдузим. Сен соғлом улғайгин, камолинг кўрай, Орзуингга етган кунларни кўрай.

**Онанг Лобар.**



**Хурматли ТОИРЖОН ака!**

40 ёшингиз муборак! Бахтимизга соғомон бўлинг!

**Оила аъзоларингиз номидан укангиз Зоир**

**ЭЪЛОН**

Гиёҳлар ёрдамида озиш, семириш, ажинлардан фориг бўлишига ёрдам берамиз

**Тел:**  
199-31-98  
125-13-93  
46-49-54

**«ДИЛОРОМ» ўқув маркази тақлиф этади:**

**2 ойлик:**

1. Компьютер билимлари.
2. Замонавий бухгалтерия ҳисоби
3. Зардўзлик - бухороча
4. Тикиш-бичиш, моделлаштириш.
5. Аёллар устки кийимларини тикиш-бичиш, моделлаштириш.

**3 ойлик:**

1. Компьютерда бухгалтерия ҳисоби
2. Инглиз тили (бошловчилар ва давом эттирувчилар учун)

**Манзил:** Абай кўчаси, 4 "А"-уй, 1-қават, 115-хона  
**Тел:** 144-58-34; 58-48-50.  
**Мўлжал:** "Алишер Навоий" метро бекати.

**ТАБЪИРНОМА**

**ҲАЛИ ОЧИЛМАГАН ГУҶЧА ЭДИ...**

Бир куни туш кўрдим. Катта каналга ўхшаган ариқ бор эмиш. Ариқнинг ўртасидан қувур ўтган эмиш. Қувурнинг устидан битта қиз билан қўл билан ўтиб кетаётган эмишимиз. Бирдан икковимиз ҳам бир қалқиб сувга йиқилибмизу, оқа бошлабмиш. Шунда қаердандир бир қўл келиб, мени тортиб олган эмиш. Кейин сувнинг ўртасидан ашиқ очилиб, рухлар чиқиб келаётган эмиш. Нимага улар чўкмапти, деб ўйлабман. Мен ҳам сув устида юрсам чўкмас эмишман. Мен "Бояги қиз қани?", десам қаердандир бир овоз "У чўкиб кетди", дер эмиш. Орадан уч кун ўтгандан кейин телефон жиринглаб қолди. Телефон узокдан эди. Самарқандда яшаётган амманнинг ўғли экан. Телефонда мен гаплашдим. Амманнинг 17 ёшли Насиба исми қизи дугонаси билан ариқ устидаги қувурдан ўтаётиб йиқилиб иккаласи ҳам оқиб кетган. Насиба сувнинг тагида учли бир нарсга илиниб қолган. Дугонаси эса сув юзасида кўриниб-кўринмай оққанлиги учун одамлар чиқариб олишган. У хушсиз бўлган. Касалхонага олиб келишгач, хушига келгану, дугонаси Насибани сўраган. Кейин одамлар бориб излаб топилса, Насиба аллақачон ўлган экан. Насиба аълочи, ақлли қиз эди, ҳеч қачон бировнинг гапини икки қилмас эди. Худо суйган бандасини эрта олади, деганлари рост бўлса керак, ҳали очилмаган гуҶча эди. Мен бўлса кўп ўтмай оғир касал бўлиб, эскичадан қўл олдим. Рухларни ўнгимда ҳам, тушимда ҳам кўраман. Улар кўп нарсани олдиндан айтиб беришади.

Худойим ҳар бандани умри билан берган бўлсин. Ота-онага ҳеч қачон фарзанд доғини кўрсатмасин. Менинг ҳам иккита фарзандим бор.

**Нилуфар ЖУМАЕВА,**  
Жиззах вилояти, Пахтакор шахри.

**ҚЎЛИМДАН ҲАММА ИШ КЕЛАДИ-Ю...**

Хаёт деганлари инсонни не куйга солса ҳам, бардош деган нарса асраб қолар экан. 17 ёшимда турмушга чиқдим. Ёш бўлганимга қарамадан турмушнинг барча юмушларини бажарар эдим. Сигир, бузоқ, кўй, товуқ ҳаммаси мени зиммамда эди. Уни устига дала юмушлари. Хуллас бу меҳнатлар менга унчалик оғир эмас эди.

Кетма-кет 2 та болалик бўлдим - 1 ўғил, бир қиз. Турмуш ўртоғим ёмон эмас эди, аммо дарди бор экан, шу туфайли бевақт вафот этди. 27 ёшимда бева қолдим. Эрим ўлгандан сўнг қайтиб келган қайнзгачим ҳам, қайнонам ҳам кун беришмади, ҳайдашди. Ҳозир 37 ёшдаман. Ўғлим, қизим катта бўлиб қолишган. Лекин ёлғиз яшаш қийин экан. Шу сабабли турмушга чиқмоқчиман. Қўлимдан ҳамма иш келади. Болаларим ҳам яхши, меҳнатқаш, меҳрибон. Ниятим- меҳнатқаш, софдил ва дили ҳам, тили ҳам бир бўлган эркак билан турмуш қуриш. Ёши 55 гача бўлса ҳам майли. Вояга етмаган болалари бўлса, жону дилим билан оналик қилиб, уйли-жойли бўлиб кетишига ёрдам бераман. Катта бўлса ҳурмат қиламан. Ҳозирда келинларим, укаларим билан турганлигим сабабли, уй-жойи бор кишини қидиряпман. Қолган умримни фаровон, осойишта ва бахтли қилишга кўмаклашадиган, болаларимга меҳрибон, оталик меҳрини бера оладиган эркак бўлса хат ёзиб редакцияга жўнатинг, улар менга йўллашади.

**Н.Қ.А.**  
Тошкент вилояти

**ҲУҚУҚИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?**

**Савол:** Эрим менга ва биринчи хотинига болалари учун нафақа тўларди. Яқинда иккимизга ҳам тўланадиган нафақа миқдорини камайтиришди. Нима учун?

**Жавоб:** Собиқ эрингиз судга соғлиги ва моддий оғир аҳволи ҳақидаги маълумотларни тақдим этган бўлса, у тўлаётган нафақа миқдорини камайтирган бўлишлари мумкин.

**Забихилло Муҳаммадҷонов,**  
ҳуқуқшунос

**ҚИЛИҒИ ОДАМГА ЎХШАЙДИ**

Ўғлим ўртоғиникидан мушук бола олиб келди. Аввалига ёқтирмадим. Кейинчалик эса ўзим ҳам яхши кўриб қолдим. Бўш қолдим дегунча мушугим атрофида парвона эдим. Мушугимиз ургочи бўлиб, унинг кўп қилиқлари одамзоднинг қилиқларига ҳам ўхшаб кетарди.

Бир куни сандиқни очиб ичидан ялтироқ рўмол олдим. Қарасам мушугимиз дарҳол рўмолни олиб ўзича ўраниб бир чеккада "Ярашдими?" дегандек қараб турибди. Уни кўриб қилиб юбордим. Эртаси куни эса сандиқ орқасидан бир тугунни судраб келди. "Очи!" дегандек ҳадеб миёвлайверди. "Нима экан бу?" - дея тугунни қизиқиб очдим. Бир пайлар тахмонни устига шу тугунни қўйиб унутганимни эсладим. Очсам ичида майиз, ерэнғоқ бор экан. "Ма, сен ҳам е! Олиб келган ҳаққинг", - дея мушукка берсам еди, ерэнғоқни ҳам чақаяпти. "Ёпирай! Шунча мушуклар ҳам бўларкан-да", - дея ёқамни ушладим. Орадан анча вақт ўтгач бетоб бўлиб қолди. Болаларим уни "дом"нинг ҳовлисига олиб тушиди. Икки кун кўчада юрди. Тузалгач яна "дом"га олиб кирдик. Бир ҳафталар яхши юрди-ю кейин яна касал бўлди. Учинчи сафар тузалди-ю, аммо "дом"га қайтиб кирмади. Ўғлим яна эркак мушук олиб келди. Уни зимдан кузатсангиз ҳайрон қоласиз. У

кибор, унча-мунча овқатни писанд қилмайдиган хилдан эди. Нимадир бўлди-ю, у ҳам касалга чалиниб қолди. Бу мушукни ҳам уч маротаба ҳовлига чиқардик. Учинчи гал мушук қайтиб чиқмади. Шунда билдимки, мушуклар уч маротабадан кейин қайтиб ўзи яшаган уйга йўламас экан. Мушукларга ўрганиб қолибмиз чоғи оила аъзоларимиз ўзларини бошқача ҳис қила бошлашди. Кўп ўтмай қизим чиройли бир мушук олиб келди. Буниси жудаям эҳтиёткор эди. Бир куни эшик ёпилиб қолиб айвонга чиқолмабди ва ошхона полини хўллаб қўйибди. Юмуш билан ошхонага чиқиб унга кўзим тушди. Мушугимизнинг кўзларида ёш, жавдираб, қилиб қўйган ишидан ҳижолатда эди. Мен уни айвонга чиқариб юбордим. Анча кунгача менга яқинлашолмай юрди. Фарзандларимга "Буям касал бўлиб қолмасин ҳовлига олиб тушинглар", - дедим. Аксини олиб буниси ҳам бетоб бўлди. Қизим дўхтир эди, ўзи билганча даволади. Бир куни ўлиб қолди. Ўғлим уни кўмиб келди. Шу кун биз худди оила-аъзоларимиздан бирини ўқотгандек, ҳаммамиз ҳомуш бўлиб қолдик. Мен ич-ичимдан, фарзандларим эса ошқора йиғлашди.

**Биберажаб опанинг айтганларини оққа кўчирувчи: Х. МАҲАМОВА**

**ВИТАМИНЛАР ВА ИНСОН САЛОМАТЛИГИ**

Маълумки, инсон организмда мунтазам равишда кўп энергия ҳамда хужайра ва тўқималар таркибига кирадиган кимёвий моддалар сақланиб туради. Ана шу сарфланган моддалар ўрнини овқат ейиш натижасида пайдо бўладиган озиқ моддалар қоплайди. Ейилган овқат организмнинг энергияга бўлган талабини қондириши ҳамда кун бўйи сарфланган энергия ўрнини қоплаши керак.

Организм сарфини қоплаш учун зарур бўлган озиқ моддалар: оксиллар, ёғлар, углеводлар, минерал моддалар, микроэлементлар ва витаминлар овқатда маълум нисбатда бўлиши зарур. Витаминлар организмдаги озиқ моддаларни хазм қилиш жараёнида муҳим роль ўйнайди, хужайра ҳамда тўқималарнинг ўсишига ва тикланишига ёрдам беради.

Бўй ўсишини кучайтиришда шикастланиш ва операциядан кейин тўқима ҳамда хужайраларнинг тикланишида витаминларнинг жуда зарур эканлиги исбот этилган.

Витаминлар нерв тизими, фаолиятига, қон ҳосил бўлиш жараёнига овқат хазм қилиш органлари (меда, жигар, ичаклар) ишига ички секретция безлари функциясига таъсир кўрсатади.

Истеъмол қилинадиган овқат таркибига витаминлар бўлмаганида а витаминиз, кам миқдорда бўлганда эса гиповитаминоз касалликлари кўпаяди. Овқатда бир неча витаминларнинг бўлмаслиги туфайли пайдо бўладиган касаллик полиавитаминозидир.

Ҳадеб бир хил овқатланиш ҳам организмда витаминлар етишмовчилигига сабаб бўлиши мумкин. Олимларнинг текширув натижаларига кўра инсон ҳаётида куйидаги витаминлар муҳим ўрин тутди: С, Р, В 1, В 2, В 6, В 12, РР, А, Д, Е ва бошқалар.

Шифокорларнинг тавсияси бўйича барча витамин препаратлари овқатланиш пайтида ёки овқатдан сўнг ичилиши керак. Шунда у меда ва ингичка ичакда яхши сўрилиб, хазм бўлар экан. Шунинг ёдда тутиш керакки, витаминлар биологик актив модда ҳисобланади. Уларни ортиқча истеъмол қилиб юборилса организмда захарланиш аломатлари пайдо бўлиши мумкин.

Саломатликка путур етказиб қўймаслик учун витамин препаратларини фақат шифокор руҳсати билан ва у тайинлаган миқдорда ичиш тавсия этилади.

**Сафар МУҲАММАДИЕВ,**  
доцент

(Боши ўтган сонда)

Ўқини битириб келгач, судда ишлаш бошладим. Қишлоқдагилар, ҳатто тумандаги танийдиганлар мени пойтахтдан келиб қаерда ишлаётганимни овоза қилиб гапиринарди. Шунинг учун бўлса керак, совчиларни келиши ҳам, менга оғиз соладиганлар ҳам тақа—тақ тўхтади. Бундан хурсанд бўлиб "хайрият" деб енгил нафас олудим. Лекин негадир мен орзу қилган "шаҳ-зода"нинг тақдир йўлимга учратиши чўзила бошлади. Сингилларим турмушга чиқди, укаларим уйланди. Мен эса... Хар гал тўй мароси-чимил-

# СИММИЛДИККА КИРМАГАН КИЗ

... мида диқна кўрганам-да, янгаларим "ёр-ёр"ни эшитганимда негадир юрагим бир қалқиб тушадиган, севги-муҳаббатга, эъзозу суйиб эркалашларга зор бу митти юрагим ҳам гушангани, тилларда куйланаётган ширин "ёр-ёр"ни тусабу у томон интилган кўйи, тирчиларди. Базм оқсомида кўп бўлолмасдим, келин-куёвларга қараб туриб, уларга гоёйбона бахт тилардим-у, секин ҳеч кимга билдирмай чиқиб кетиб турдаги уйимизга кириб тўйиб-тўйиб йиллардим. Бахтни боғлаган шум тақдиримни лаънатлардим. Эътибор бериб қарасам, ўша йиллардаёқ дугоналаримни, тенгдошларимни назаридан четда қўлиб кетибман. Бунинг сабабини кеч, жуда кеч англаб етдим. Бу-менинг манманлигим, қишлоқ одамларини менсимаслигим эди. Отам бечора буни илбадилар шекилли, неча марта дакки бергандилар-а! Мен аҳмоқ қиз ўшанда раҳматли ахонимнинг насиҳатларини ҳам қулоғимга илмаганман. Отанинг дуосини олман, насиҳатларига кирмаган қиз бахтсиз бўлади, дейишлари ҳақиқаттан рост экан. Қизим, -дердилар дадам раҳматли ёлғиз ўзимни ёнларига чақириб, - "Қишлоқ аҳли билан, одамлари билан ёшми-қарими саломлашгин. Эшитишимга қараганда, сен ҳатто берилган саломга алик олмас экансан. Улар чақириб гапирса ҳам жавоб бермасмишсан, шу тўғрими? Эсингдан чиқмасин, сен ҳам шу қишлоқда катта бўлгансан, шу қишлоқ кўчаларида, шу одамлар орасида вояга етгансан. Қишлоқ одамлари сен учун ака-ука, опа-сингил, ота-онадек эканлигини бир дақиқа бўлса-да, асло эсингдан чиқарма. Судья ёрдамчиси бўлдим деб, кўп осмонга чиқиб кетма, болам. Бу мансабинг сен учун вақтинчалик, бир кун ундан айрилсанг халқ, сен ҳурмат қилган ана шу қишлоқдошларинг сени кўллаб-қувватлайди. Кўнглингни кўтаришади, уларга беписандлик билан қарасанг, сени ўзинг уларнинг назаридан четда қўлиб кетасан. Халқ назаридан қолдингми тамом бу ҳаётда йўқ одамсан. Яна бир аччиқ ҳақиқатни унутма қизим- сен ҳурмат қилишни, салом беришни истамаяётган халқнинг орқасидан нон еясан. Ёшинг йигирма саккиздан ошди, сен тенгилар ўғил тўйи қилишаяпти. Сен эса ҳали ҳам бирор йигитга хўп демасан. Сенинг бахтинг оилада қизим, мансабда эмас. Бу мансаб, бойлик, дунё, ҳурмат-эҳтиром ҳамма-ҳаммаси ўткинчи. Менинг бу насиҳатларим ҳаммиша ёдингга бўлсин қизим".

Афсус, мен бу сўзларнинг маъносига етишни истамаяганим учунми, ўша ондаёқ, отанинг олдидан туриб чиқиб кетишим биланоқ эсимдан чиқариб юборардим.

Узоқ қариндошимиз ўзининг катта ўғлига мени сўраб келибди, у йигит фабрикада муҳандис бўлиб ишларкан. Уйланиб, хотиндан фарзанд кўрмагач ажрашган экан. Буни эшитиб тутатқиб кетдим.

"Мен ҳали, кимсан бўлажак судья, районда энг обрўли бир қиз бўлсаму, қаердаги бир уйланиб хотин қўйган эркака турмушга чиқаманми? Ундан кўра ўлганим минг марта яхшимасми, ўйлаб иш қилаясизми ўзи ая?"-деб аччиғларни уйимга кириб кетдим.

Қизим,-дедилар аяжоним раҳматли мени орқамдан хонамга кириб, ётган жойимга келиб бошимни силаркан. -Мен сени тушунаман, лекин энди ёш қизлардек ноз қиладиган вақтинг ўтган, биласанми шунени? Ёшинг анчага борди, ўзингни хабаринг бор сени совчилар сўраб келмаганига ҳам беш-олти йил бўлди. Ишим-ишим дейсан, энг обрўлиман дейсан, сени обрўлинг, ишинг ҳеч қайси ақли йигитни қизиқтирмайди. Ишинг ёки мансабинг учун эмас оқила аёл, муносиб ёр, уddaбурон, оилани аспайдиган бекалинг учун уйланишади. Аслида сен айтаётган обрў, мансаб аёлларга эмас, эркақлар учун яратилган. Билсанг, сени шу ўқишга киритган даданг қанчалар пушаймон еб юрибди. Шу судьялигини рўқач қилиб ҳамма совчиларни қайтардинг. Ҳани ўша ишинг сenga бахтингни, орзу-умидларингни қилиб берадими? Йўқ албатта, сен кимсан судьянинг ёрдамчисисан, сендан ҳамма хайиқади, лекин улар, мансабинг ўз йўлига болам. Сен аввало ўз бахтингни ўйлашинг керак эди., Мана қари қиз бўлиб юрибсан, энди сenga ҳеч ким қарамайди. Ҳар қанча чиройли, гўзал бўлсанг-

да тошбағир, бемехр бўлсанг бахт, омад куши ҳам қочади сендан. Худони раҳми келганми ёки мари кўз ёшларим ижобат бўлибми сenga яна бир мартаба имконият берилаётти қизим. Шу йигитни этагини ушла, зора бахтинг очилиб ували-жу-вали бўлиб кетсанг,-деб насиҳат қилдилар.

- Ман ўзи этагини ушламан? - хайрат билан қулиб қарадим, чунки ўша дамда бу сўз мен учун

## ТУРМУШ САБОҚЛАРИ

- кулгили туюлганди.
- Йўқ, ая, мен керак бўлсам, келиб у мени этагимни ушласин.
- Барибир эртаси куни аямнинг қистови билан учрашуга чиқдим. Тўғриси, йигитнинг иссиқ истараси ёққандек бўлди. Лекин... уни хотин кўйборганлиги, ишлаётган мансабининг меникидан пастлиги ёқмади. Йигит қўлида гул билан қутиб олди, унинг олдига ақинашарканман кийинишни оддийлиги баттар мени жаҳлимни чиқарди. Борганимда узатган гули қўлида қолди, олмадим. Йигитнинг юзига тикиларканман рад этишдан ўзга чора тополмадим.
- Сиз совчи юборганидингиз? -сўрадим менсимаяндек.
- Ҳа, ойимларни юборувдим, сизга кўнглим....
- Мени кўнгли ишидан ҳам кўра турмуш тарзингиз, ишлаётган ишингиз қизиқтиради. Мансабингиз паст экан, мени биласизми, кимман?
- Аслиддин акани қизи бўлсангиз керак?!
- Ўзингизни соддаликка олманг, мен бўлажак су-



дьяман, агар сиз билан оила курсак одамлар қулишмайди? Шунинг учун сизга маслаҳатимендан йироқроқ бўлинг, кўнглингизни бошқа, ўзингизга ўхшаган оддий қизга ҳаёда этсангиз ярашади. Бу сафар мўлжалдан адашдингиз, мен қатта бир судья, инсонларнинг тақдирини ҳал этувчи ҳакам келиб-келиб сизга, фабрикани кичик инженерига эрга тегаманми? Бундай хон хаёли каллангиздан чиқариб ташланг. Уйдигиларингизга айтиб қайтиб бошқа бизникига боришмасин!

- Бу сўзларингиз учун сизга катта раҳмат Гулида,- деди йигит менга қулиб қараркан. - Аччиқ гапни ёки одамни қандай эканлигини юзига айтганни захри йўқ дейдилар. Сизнинг бу аччиқ сўзларингиз яна бир бор менга ким эканлигимни, қандай мўътабар оиланинг фарзанди эканлигимни унутмасликка даъват эди. Худди шундай оддий инсонлигимга шукр қилаялман. Сиз эса мени кўзларимни очдингиз, ҳаётга бундан-да зийракроқ, жид-дироқ қарашга ундадингиз. Мен гўзал, деб юрган дунё аслида шунчаки қобик экан, бу билан сизни гўзаллигингизга тил текизмоқчи эмасман, асло. Яхшиямки сизни қандай бағрикенг, сермулоҳза ва ўз тақдирини ўйлаб куйнадиган қиз эканлигингизга

ни шу онда, танишмаёқ, тўйимиз бўлмаёқ англаб етдим. Бўлмаса ҳаётимнинг кейинги кунлари захар -заққумга айлибди, армон ва афсус билан ўтар-миди. Балки мени қаматоврган бўлармидингиз. Узр сиздан, мен йўлни бу сафар нотўғри танлабман, бизнинг ирмоқларимиз қўшилмаганига яна бир бор шукр қиламан, сиздан кўрдим Гулидаҳон. Хайр, яхши қолинг!

У кетди, йигитнинг "сиздан кўрдим" дейган сўзларидан гурурландим. Бу сўзлар қалбимга олам-олам қувонч бахш этг

анди. Унинг орқасидан қулиб қараб қоларканман, йигитнинг мардлигига қойил қолдим. Уйга келаямга "бу сажам мен ёкма-

либ фар йигитга дим" деб кўйдим. Аяжоним сўзларимни эшитар эканлар оғир хўрсиниб кўйдилар.

Орадан йиллар ўтди, ёшим ўттиздан ошгандан кейин негадир оилада ёлғизланиб қолаётганимни сездим. Бу пайтда мени туман прокуратурасига прбкурор лавозимга ўтказишганди, оғзимдан чиққан бир оғиз сўзим муҳайё қилинадиган давр эди. Туман марказидан катта бир ховли сотиб олдим, тўғриси, уни менга "арзимас совға" сифатида ҳаёда этишди. Бу орада отам юрак хуружи билан вафот этдилар, касалхонага элтишганларида ҳам, у ерда бандаликни бажо келтирганларида ҳам бир оғиз мени на укаларим, на сингилларим чақирини эп кўришмади. Балки мен ўйда йўқлигим учун эсларидан чиққандирман, деб ўйлагандим. Лекин янглишган эканман, отамни ўлганлиги ҳақидаги нохуш хабарни эшитиб, қишлоққа кириб келарканман негадир йилга десам кўзимга ёш келмасди. Онамини вафотидан кейин ўқисқ кўз ёши, дейдиларми, гам-алам дейдиларми, ишқилиб шунга ўхшаш хис-ҳаяжон мени ҳам бошқалар каби бўғмасди. Негадир умуман йилгаим келмасди. Отамни олдига кетаётиб ҳам хаёлимда эрта-индин кўриладиган жиноий ишни тахлил қилардим. Уйга келибюқ отажонимни ётқизишган уйга кирдим. Холаларим, сингилларим, укаларим уввос солиб мени қутиб олишди. Ушанда бу тош юрагим сал эригандек бўлди.

- Касалхонага олиб борган экансизлар нега менга бир оғиз телефон қилмадинглар, -дея укам билан синглимга нафрат билан қарадим. - Ҳабар берганларингизда балки отамни сақлаб қолишни йўлни топармидик, дўхтирлар отамни ўлимдан олиб қолишга ҳаракат қилармиди, нега чақирмадинглар, дадамини ўлишини хоҳлаганмидинглар?!

Ўзимга тарсаки келиб тўшди. Не кўз билан кўрайки синглим менга қўл кўтарган эди.

- Отамни ўлдирган биз эмас, сенсан биласанми шуни? У киши ўз ажали билан эмас номусдан, одамларни гапидан ўлиб қутулдилар. Дадажонимни юрак касали қилган, одамларни аччиқ гапидан қочиб уйга бекиниб ётишга, охир-оқибатда бундай аҳволга тушишларига сени ҳулқ-атворинг сабабчи. Ўзи сен қиз эмас, ўғил бўлиб турилганингизда бечора отажоним ҳам, онажоним ҳам бунчалик "қариқизни олиб ўтирибди, судьялигини кетидан топаётган пулларидан айрилиб қолишдан кўрқиб эрга бермаяпти", - деган орқадан гапирилган гапларга қолмасдилар. Ўша учун ҳам сени касалхонага чақиримизга оийм ҳам, дадажоним ҳам рози бўлмадилар. Одамларни "қизини пулларини, мансабини кетидан тирик қўлиб юрибди", -деган сўзларидан кўра ўлганим яхшироқ, деб бизга сени чақирмаслигимизни дадажоним ўти-ниб сўрадилар. Энди тушунгандирсан нима учун чақирмаганимизни, отамнинг ўлимга қандай сабабчи эканлигини? Отам-отам дейсан, нахот сенда ҳам фарзандлик, қизлик меҳри-муҳаббати бўлса, сенда улар йўқ Гулида, бўлганидачи дадажоним неча ой касалманд юрганларида келиб бир оғиз саломатлиқларини сўраб, хол-аҳволини билиб кетардинг, дадамга сени олиб келадиган нарсанг эмас, энг севимли қизини меҳри керак эди. Шаҳарга кўчиб кетганингдан бўён айтчи неча мартаба келдинг? Келган бўлсанг ҳам ҳатто бир пиёла чой ҳам ичмагандан, ишингни тизгилигини, шофёринг қутиб турганини рўқач қилиб, беш дақиқа ҳам ёнларидан ўтирмасдан кетгансан. Тўғри қуруқ келмагансан, ҳар келганингизда 10-20 минг пул ташлаб кетгансан. Дадажоним ҳам, аяжоним ҳам уларни бир тийинини ишлатмай сандиқда сақлашган, ҳатто дадажоним ўлимлари олдидан "ўлимлигимга у пулдан ишлатманглар, мабода ишлатсанглар мен сизлардан рози бўлмайман. Уни Гулидан узига қайтариб беринглар ёки эрга тегса тўйига ишлатинглар, дедилар. Шуни ҳаммавақт эсингда тут: меҳр-оқибатни пул билан ўлча-санг катта хато қиласан. Гулида қарагин кириб келганингдан бўён ҳатто кўзингга ёш ҳам келгани йўқ, яна дадам деб ўзингни меҳрибончилигингни кўрсатмоқчи бўласан.

(Давоми бор)

Дилшод ҚУЛДОШЕВ

САНЪАТ

# ЧАРОС УЗУМ-МУҲАББАТ РАМЗИ

Ўзбек театр санъатининг буюк намоеёндалари Сора Эшонтураева ва Аброр Ҳидоятловлар санъати ва шахсий ҳаёти ибратли бўлган. Аслида, бу икки ёш ўртасидаги муҳаббатнинг бошланишига бир шингил чарос узум сабабчи бўлган эди.

Уша пайтда Вахтангов театри қошида "Ўзбекдрам" группаси очилиб, унда Чўлпон ва Маннон Уйғурлар танлаб олган истеъдодли ёшлар рус санъатидан таълим олишарди. Кунлардан бир кун Аброр Ҳидоятловнинг акаси Ахрор ака Тошкентдан чарос узуми олиб бориб қолади. Уни қабул қилиб олган Аброр Ҳидоятлов уша узумдан бир тарелкасини кўпдан бери гаплашиш илинжини тополмай юрган Сорохонимнинг хонасига олиб кириди. Сорохоним ҳам тарелкадаги қоп-қора узумдан бир шингилни қўлига олиб, уни татиб кўрар экан, "Бизнинг боғимизда ҳам мана шунчака чарос узум кўп бўлар эди", - деб Аброр акага раҳмат айтади. Шу узум бахона улар ўртасида яқинлик пайдо бўлади.

Улар Вахтангов студиясини битиришиб, Самарқанддаги театр жамоасига қўшилдилар. Уларнинг никоҳ тўйи шу шаҳарда ўтади.

Уша йиллар кўпгина артистлар Сиёб бозори ёнидаги бир карвонсаройда истиқомат қилишар экан. Маннон Уйғур бошқарган тўй шу саройда ўтказилади. Самарқанд ва Бухоронинг тўй тантаналари қондасига кўра кўёв ўз ёру дўстлари билан "Ёр-ёронай" деган ашулани айтиши шарт. Бухоролик ёш артистлардан Лутфулла Назруллаев, Шариф Қаюмов, Ҳикмат Латипов, Абдуқодир Фуломов, Неймат Каримовлар бошчилигида куйидаги мисраларни ашула қилиб бутун Самарқанд кўчаларини айлиниб чиқишган.

Самарқандга борганмиз ёр-ёр-ёронай, Тўй-томоша қилганмиз ёр-ёр-ёронай, Сора билан Аброрни ёр-ёр-ёронай, Никоҳ қилиб қўйганмиз ёр-ёр-ёронай. Кўл ўтмай бу оилада 2 ўғил туғилди. Бирининг исми Гога, бириники Тима. Ҳозир уларнинг ҳар иккаласи ҳам олимлардир.

Ҳар бир касбда бўлгани каби санъатда ҳам эр-хотин бирга ижод қилса, иш жараёни ниҳоятда унумли бўлар экан. Улар нафақат ҳаётда, балки сахнада ҳам ҳаммиса бирга бўлишган ва биргаликда роллар ижро этишган. Масалан: "Муқанна" асарига Аброр ака Муқанна, Сора опа Гулоийм, "Отелло" да Аброр ака Отелло, Дезде-

мона Сора опа, "Бой ила хизматчи" да Аброр Ҳидоятлов-Ғофур, Сора Эшонтураева-Жамила ва бошқа ролларни биргаликда яратишган.

Аброр Ҳидоятлов урушдан олдинги йилларда "Аваз" деган пьеса ёзган. Ана уша пьесадаги бош қаҳрамоннинг исми ҳам "Чарос" деб аталиши бежиз бўлмаса керак. Бу ролни ҳам Сора Эшонтураева ижро этганди. Улар учун қуриб берилган мухташам бинонинг жуда катта ҳовлиси бор бўлиб, у ҳозирги Ўзбекистон меҳмонхонасининг ўрнида жойлашганди. Аброр Ҳидоятлов уша боғни ниҳоятда обод қилди. Боғнинг тўрт тарафи чарос узум тоқлари билан ўралган эди.

Дунё тасодифларга тўла. Аброр Ҳидоятлов бир кун саҳарда шу чарос узумдан узиб ҳовлидаги ҳовузда ювиб чиқаётганида йиқилиб ҳаётдан кўз юмади. Улим ҳақ, у ҳаммининг бошида бор. Мана ҳозир Сора Эшонтураева ҳам орамизда йўқ, Лекин икки буюк санъаткорнинг пок руҳи, улар яратган муҳаббат қасри биз-шогирдларни ҳаммиса яхшиликка чорлаб туради.

**Зикир МУҲАММАДЖОНОВ,**  
Ўзбекистон халқ артисти

ГАЗЕТХОНЛАР ИЖОДИДАН

МЭХР

Самодан Заминга тушади, Соғинчнинг марварид томчиси. Райхонлар сафига қўшади, Ҳаётнинг чиройли гул иси. Кузатиб туради бу ҳолни, Алданган умиднинг кўз ёши. Чирт этиб узилди кетади. Изтиробнинг олтин бардоши. Сен куёвсан, Мен гўзал шабнам, Бир лаҳза нурингдан эрийман. Қора либос кийдирсада ғам, Севги... Бу шеърингдан эрийман

КАСАМ

Иккинчи бор қадам қўймайман, Орамиз очиб, Бегонасан Дийдорингга асло тўймайман. Ишда қуёшдай яғонасан, Остонангга ҳеч урмасман бош, Ҳар битта гиёҳ, Ҳар битта дарахт Менга қараб отаётир тош. Чорласам ҳам келмайсан зинҳор, Муз қалбингга қимлардир яшар. Мана келдинг, Маюс кўзларинг, Афсуски кечиккан бахтга ўшар.

**Саодат ОЛИМОВА,**  
Самарқанд вилояти, Ок-дар тумани

# АКАСИ БОР, ХОР БУЛМАС ЭМИШ...

Яқин қариндошларингдан бирортаси етказган жароҳат қаттиқ азоб беради.

БАБРИЙ

Бир қориндан талашиб тушган оға-иниларнинг жонларига тўзим берсин. Қисқич кўзларидан нафрат акс этиб турган Бехзод чойхонада дардини дoston қилди:

- Мираброр укамнинг-чи, кўзида ўқи йўқ-да. Агар кўзида ўқи бўлса, биринчи мани отарди, кўзинг чиқур... Кеча ўғли қизимни сўкиб, тош отибди. Қўлинг сингурга кўрсатиб қўй дедиум, тагин оқибатини ўйладим-де. Ха, онасини...

- Ҳай-ҳай, укамгни сўктовсанми?... Танбех берган бўлди ҳамтовоқларидан бири. -Онайла битта-ку...

- Укаммимас, хотинини сўктовман... Ҳамтовоқлари-етти ёт бегоналар унинг гапларини бафуржа тинглашар, афсусланишаётгандек бошларини силкиб-силкиб қўйишарди.

- Хе, мунақа туғишганлардан тутинганлар минг марта афзал,-баттар тутақди Бехзод. -Хотинчасининг измидан чиқолмай... ўз ака-укаларининг гўрларига гишт қалаб юрди, ахлах.

Очиғи, кулоқларимга ишонмадим. Наҳот, АКА ўз УКАСИ ҳақида гапирётган бўлса?...

Кўшни маҳаллада яшайдиган ўша оилани яхши танийман. Ўзлари олти ака-ука. Ҳовли-жойлари алоҳида-алоҳида-ю, фақат, девор-дармиён қўшни бўлиб қолишган...

Узоқроқ юрганлар ўпишиб, яқинроқ юрганлар тепишиб муомала қиладилар, деганлари шу бўлса керак, олти ака-ука мисоли шу

олтига қитъа. Дунё қитъалардаги ақлирасо кишилар бирлашса бирлашадики, ака-укаларнинг бошлари сира бир ёқадан чиқмайди... Муросалари келишмайди. Нақадар қисқа умрларини янада қисқартириб яшамоқда улар.

"Бахтли оилаларнинг ҳаммаси бир-бирига ўхшайди, бахтсиз оилаларнинг эса ҳар бири ўзича бахтсиздир", -деб ёзган эди ажойиб рус ёзувчиси Лев Толстой. Ҳар қанча мол-дунёси бўлсин, амали бўлсин, бошқа ютуғи бўлсин, башибир, ака-укаларнинг, қариндошларнинг муросалари келишмаслиги энг катта бахтсизликдир. Гап ўша Бехзодларда эмас. Умуман, эл орасида бир-бирларини шармисор этиб юрадиган баъзи ака-укалар ҳақида, уларнинг ўзаро муносабатлари тўғрисида айрим мушоадаларимизни баён этмоқчимиз.

Ака-укаларнинг орасини хотинлар бузади, деган гапга шахсан мен мутлақо қўшилмайман. Умид билан келинлик либосини кийиб бир хонадонга тушаётган қиз ҳеч қачон ёмон ният билан келмайди. Эримни акаси ё укаси билан боғлаб жиқамушт қиламан, демайди. Оилага совуқлик тушмасин, деб қуюнади. Тўғри, айрим тили бурророк келинлар ҳам йўқ эмас, бироқ, унинг ҳам эри "тиладан илиниб" қолмаса, қариндошларини ёмонотлиқ қилишга журъат қилолмайди.

Биринчи бўлиб эрининг ўзи

"қовун туширади". Хотинига ўз акаси ё укаси ҳақида бўлмагур гаплар айтади. Акам ундоғиди, фалон-фалон йўллар билан боғиб кетди, укам бундоғиди, писмадон йўллар билан амалдор бўлиб олди... қабилидаги гапларни айтаверади. Ақлли хотин аввалига эрига дашмон беради, "қўйсангиз-чи, ўз туғишганларингиз бўлса..." дея эзгуликка чақиради. Йўқ, эрқағи тушмагур ғийбатчиликда устаси фаранг бўлиб кетади. "Э, сан қатган биласан, укам ўзи, ўзи..." лайверади ўша "ақлли" ака. Хуллас, бир кун келиб хотиннинг ҳам тили қичийди: "Башараси қурсин ўша ака-укаларингизни дейишдан", -тап тортмайди. Қани, ўшанда "Ху, ака-укамни ёмонлама", -деб кўрсинчи ўша эр.

Буям етмагандек, эр-хотин дастурхон атрофида, бола-чақаси олдида ғийбат қилаверишади. Бегонани эмас, ўз жигарбандларини ёмонлашади. Қарабсизки, болалар онгида ҳам дунёда энг ёмон, баттол кимсалар-отасининг қариндошлари... Бегоналар билан апок-чапоқ, туғишгандан тутинган афзал қабилида дўст-биродар бўлаверишади, қариндошлари билан эса...

Ҳамма касаллик шунда: суюксиз тил одамни энг яқинларидан шу тариха жудо қилиб қўйиши мумкин.

Қаранг, ҳеч қанон хотин ўз қариндошларини эрига ёмонламайди. Аксинча, ака-укалари қолиб, узоқроқ қариндошларига гача мактайверади, фахр билан улуғлайверади. Содда

ОИЛА ОЛАМИ

эр, қайноғаларим ундок экан, бундоқ даражада зўр экан, деб мактаншини хуш кўраверади. Ахир, бир кун ажали етганида бел боғлаб йиғлайдиган, кўмадиган, маъракаларини ўтказадиган ўша жигарбандлари эмасми? Наҳот, гоғил бандалар шуларни ўйламанса?... Шуларни ёзish асносида, ижодкор дўстим Шоюсуф Мирюсуфзоданинг бир шеъри ёдимга тушди:

Акажонлар, сиз жон қадарсиз, Гоҳо қувонч, гоҳо қадарсиз. Ака эмас, баъзан падарсиз, Укаларга дармон бўлдингиз, Акажонлар омон бўлингиз. Акаси бор хор бўлмас эмиш, Бировларга зор бўлмас эмиш, Ундан яхши ёр бўлмас эмиш, Оқибатда қалқон бўлингиз, Акажонлар омон бўлингиз. Қаҳр томар баъзан кўзидан, Утолмаймиз аммо юзидан, Янгамизнинг чиқмас сўзидан, Майли янгам томон бўлингиз, Акажонлар омон бўлингиз. Ранжиб қолса йиллаб қарашмас, Каттаман деб уй-жой талашмас, Арз қилиш унга ярашмас, Хоҳ яхши-ю, ёмон бўлингиз, Акажонлар омон бўлингиз. Жиянларин бошин силаган, Тўйларида бахтин тилаган, Жигарим деб доим қўлаган, Акажонлар, омон бўлингиз, Укаларга дармон бўлингиз. Дунёда бахтли, бахтиёр оилалар жуда кўп. Қайси ака-укалар бир-бирларининг дийдорига тўймай, апок-чапоқ бўлиб, иззат-ҳурмат ила яшаётган бўлсалар-минг қарра бахтлидилар!

Муросалари келишмаётганлар эса...

**Тўлқин ЭШБЕК**

Оила ва жамият

Мақолада келтирилган фактлар, воқеалар, маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.

Муаллиф фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Қўлёзмалар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Телефонлар:  
Бош муҳаррир — 133-28-20  
Котибият — 34-86-91

**МАНЗИЛИМИЗ:**  
Тошкент - 700000  
Амир Темур кўчаси,  
1-тор кўча, 2-уй.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.  
Манзил: Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
Босишга топшириш вақти - 20.35  
Босишга топширилди - 21.15

ХОМИЙ  
«Матбуот тарқатувчи»  
акциядорлик жамияти

ОБУНА ИНДЕКСИ - {якка обуначилар учун 176  
ташкилотлар учун 177  
Рўйхатга олиш № 33  
Буюртма Г-0558  
33625 нусхада чоп этилди.  
Формати А-3, ҳажми 2 босма тобоқ.  
Баҳоси эркин нархда.  
Рассом — Н. ХОЛМУРДОВ.  
Навбатчи — Н. ЙҮЛДОШЕВА.